



MILLIY TIKLANISH

13 (230) ● 2013 йил 10 апрель, чоршанба ● Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎзМТДП ғояларининг кенг омма орасига кириб бориши, аъзолар ва хайрихоҳлар сафининг кенгайишида тарғибот тадбирлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис партия ташкилотлари томонидан тадбирларнинг ўзига хослигини кучайтириб, мазмун-моҳиятига жиддий эътибор қаратилмоқда.



АМИР ТЕМУРНИ англаш — ўзлигимизни англаш демокдир. Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, кудратимизга асосланиб, буюк келажакимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демокдир.



АЙНИ кунларда “Асрлар сандоси” анъанавий санъат фестивалига қизғин тайёргарлик ишлари кетмоқда. Беш йил мобайнида лойиҳа доирасида 200 минг нафарга яқин киши иштирок этган. Бу йилги фестивалга ҳар қанонгидан ҳам кўпроқ меҳмонлар келиши кутилмоқда.



2 СИЁСАТ

5 МАЪНАВИЯТ

8 НИГОХ

9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун

Жараён

Халқимиз даҳосининг буюк тимсоли

Амир Темур — халқимиз тарихи солномасидаги нажоткор қаҳрамонлардан бири.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳбарлигида маънавий тикланиш ва янгилиниш жараёнида Амир Темур бобомизнинг муборак номи, бой мероси, хотираси ва тарихий сиймоси ҳам тикланди. 1996 йил мамлакатимизда Амир Темур йили деб эълон қилинди. Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги халқро микёсда кенг нишонланди, Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида муҳташам ҳайкаллари қад ростлади. Улуғ бобомиз шарафига орден таъсис этилди. 2011 йили Юртбошимиз таслифи ва сўзбошиси билан “Темур тузуқлари” асари мукамал ҳолда, юксак сифат билан янгидан чоп этилди.

Истиклол йилларида Амир Темур таваллуд топган кунни халқимиз улуғ аждодимиз хотирасига эҳтиром сифатида ҳар йили кенг байрам қилмоқда. Соҳибқирон таваллудининг 677 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда бу жиҳатлар ҳар бир юртдошимиз қалбида яна бир бор ўз ифодасини топаётди.

Анъанага кўра 9 апрель куни пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда парламент аъзолари, вазирилик ва идоралар вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Халқро Амир Темур жамағармаси раиси Нозим Ҳабибуллаев, Италия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Манара Риккардо, ёзувчи Нормурод Норқобилов, архитектура доктори, профессор Додо Нозилов мустақиллик йилларида Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида маънавийни юксалтириш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар жараёнида Амир Темур мероси шижоат, мардлик ва адолат фалсафаси сифатида кадр ва эъзоз топаётганини таъкидлади. Соҳибқирон нафақат ўз давридаги энг қудратли давлат асосчиси, илм-фан, маданият ва маънавият ҳомийси, балки ўз вақтида Осиё ва Европа қитъаларида рўй берган тарихий ўзгаришларга ҳал қилувчи таъсир кўрсатиб, дунё цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк бунёдкордир.

«Улуғ аждодимиз, гарчи буюк бунёдкор ва жаҳонгир бўлса-да, куч-қудрат зўрлик ва зўравонликда эмас, аксинча, адолатда, ҳамжихатлик ва ҳамкорликда эканини ниҳоятда чуқур англаган. Унинг давлатни оқилона бошқариш, ўта мушкул ва имконсиз вазиятда ҳам тўғри йўл, тадбир топа олиш қобилияти, ноёб ақл-заковати ҳар қандай одамни ҳайратга солади», деб ёзди Президентимиз Ислоҳ Каримов «Темур тузуқлари»нинг сўнгги наشريга ёзган сўзбошисида.

5-бет



Миллатимиз фахру ғурури

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида бой тарихимизни ўрганиш, дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг маданий-маърифий меросини, уларнинг сўнмас хотираларини эъзозлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ана шундай эзгу ишлар самарасида бошқа буюк алломаларимиз қатори бобокалонимиз Амир Темур шахси, жаҳон тарихидаги ўрни, халқимиз, Ватанимиз олдидаги хизматлари қадр топди.

Амир Темур хиёбони. Хиёбондан ўтар эканмиз, буюк бобомизнинг савлатдор ҳайкалига, атрофда муҳташам гўзаллик касб этган манзараларга қараб, хаёлимиз тарих сари оғади...

Юртимиз истиклолга эришгач, ҳар жабҳада улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари авж палласига кирди. Энг чекка қишлоқ жойларда қурилаётган замонавий таълим муассасалари, янги лойиҳадаги уй-жойлар, муҳташам бинолар, спорт ва маданият масканлари, ажиб боғлар, шинам кўчалар киши кўнглини қувонтиради, ҳавасингиз ортади.

5-бет

ЎзМТДП ташкилотларида

Дастурий мақсадлар ва электорат манфаатлари

уни таъминлаш фаолиятимиз мезонига айланмоқда

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Навоий вилоят Кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси деовни ходимлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Пленумда сўз олган ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ахтам Турсунов партия ташкилотлари олдида турган долзарб масалаларга эътибор қаратди.

— Ўзбекистон мустақил тараққиёт йилларида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий-маърифий соҳаларда улкан ютуқларни қўлга кириштириб, халқро микёсда юксак обрў-эътибор қозонди. Мамлакатимизда демократик жараёнлар босқичма-босқич, изчил ривожланиб бормоқда.

Бунда сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этмоқда. Уларнинг жамаиятдаги ўрни ва роли тобора кенгайиб бораёпти. Мазкур жараёнда партиямиз ўз атрофида миллий ғояга, миллий-маънавий ва умуминсоний қадриятларга содиқ, Ватанимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қиладиган, халқимизнинг ўтмишидан фахрланадиган ва буюк келажакига ишонадиган, шунингдек, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини қўллаб-қувватлайдиган ватанпарварларни

Ҳуқуқий эксперимент

қонунчилик ташаббуси субъектлари қонун ижодкорлиги фаолиятининг самарали шакли сифатида

“Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамаиятини ривожлантириш Концепцияси”да Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов: “Ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз. Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамаият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади”, деб алоҳида таъкидлаган.

Шу муносабат билан ҳар кимнинг ахборотни эркин ва тўсиқсиз олиш, ундан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш, шунингдек, ахборот хавфсизлигини ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, давлатимиз раҳбари “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида” Қонун қабул қилиш зарурлиги ҳақидаги ғояни илгари сурдилар ва ушбу Қонун “Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституций ҳуқуқини янада кенг-роқ амалга ошириш имкониятини яратиб бериш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш

борасидаги масъулиятини ҳам кўп жиҳатдан кучайтириш”ига ургу бериб ўтдилар.

Қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилишнинг ҳуқуқий тартиб-таомиллари ва механизмларини аниқ тартибга солиши, аҳоли, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамаияти бошқа институтларининг улар томонидан қабул қилинадиган қарорлар ва энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қарорлари тўғрисидаги ахборотдан кенг фойдаланишини таъминлаши керак.

2-бет

Депутат минбари


Мустақиллик шарофати билан жонажон Ватанимиз тарихини ҳолисона ўрганиш, ўзлигимизни англаш, миллий гурур ва қадриятларимизни тиклаш имкониятига эга бўлди. Президентимиз ўзининг қатор асарлари ва нутқларида алоҳида таъкидлаб кўрсатганидек, тарихни яхши билмасдан туриб, юксак маънавиятга эришни мумкин эмас. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади.

Хоразмда туризм янада ривожланади

ушбу мақсадга қаратилган қарор ва дастур ижроси жараёнида ЎзМТДП ҳудудий ташкилотлари фаол иштирок этишга интиломоқда

2-бет

4-бет



“Milliy tiklanish” газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Жараён

Ҳуқуқий эксперимент

қонунчилик ташаббуси субъектлари қонун ижодкорлиги фаолиятининг самарали шакли сифатида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу қонунни қабул қилиш ва амалга ошириш сиёсий плюрализм, мамлакатда ва хорижда юз бераётган воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларнинг ҳар хиллигини ҳисобга олган ҳолда ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг, мамлакатда олиб борилаётган демократик ислохотлар, давлатнинг ташқи ва ички сиёсати очиклиги ва шаффофлигини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги Фармойиши билан ташкил этилган ахборот соҳасини тартибга солиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш комиссияси томонидан фуқароларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти, улар томонидан қабул қилинадиган қарорлар ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш тартиб-таомилларини назарда тутадиган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги» қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу қонун қуйидаги **уч принципга** асосланган ҳолда ишлаб чиқилди:

биринчидан, миллий ҳуқуқий тажрибани ҳисобга олиш — ОАВ соҳасида 10 дан ортиқ қонун ва 400 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни инвентаризация қилиш;

иккинчидан, хорижий мамлакатларнинг ОАВ тўғрисидаги қонунлари қиёсий таҳлил қилинди. Австрия, Буюк Британия, Германия, Франция каби жаҳоннинг 20 дан ортиқ давлатларининг 50 дан зиёд қонун ҳужжати ўрганилди;

учинчидан, сўз эркинлиги ва ОАВ соҳасидаги халқаро стандартлар, яъни 10 дан ортиқ халқаро-ҳуқуқий ҳужжат ўрганилди. ЕХТ Вакили бюросининг ОАВ эркинлиги масалалари бўйича ва Халқаро нотижорат ҳуқуқ марказининг (АҚШ) халқаро экспертиза хулосалари олинди.

Қонун лойиҳаси хорижлик экспертлар иштирокида кенг муҳокама этилди. Мамлакатнинг барча минтақаларида 40 дан ортиқ семинар, давра суҳбати, 1 та халқаро конференция ва 1 та халқаро давра суҳбати ўтказилди, уларнинг якунлари бўйича лойиҳани такомиллаштириш юзасидан 100 га яқин таклиф ва тавсиялар умумлаштирилди ҳамда ўрганилди.

Қонун лойиҳасининг асосий принциплари ва қоидаларига амалиётда ишлов бериш, ҳокимият ва бошқарув тузилмалари субъектлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш бўйича унинг нормалари самарадорлигини баҳолаш мақсадида 2013 йил 20 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «**Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси нормаларининг синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тўғрисидаги**» Фармойиш қабул қилинди, унга мувофиқ **Ҳуқуқий эксперимент ўтказувчи ишчи комиссия** ташкил этилди ва шу йилнинг 27 март кунини ташкилий йиллиғи бўлиб ўтди.

Президентнинг ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тўғрисидаги Фармойишининг **аҳамияти нимада?**

Давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармойиши аҳамияти қуйидаги жиҳатларда намоён бўлади:

биринчидан, ҳуқуқий эксперимент ўтказиш, энг аввало, қонун ижодкорлиги фаолиятини демократлаштиришни таъминлашга қаратилган;

иккинчидан, ҳуқуқий эксперимент ўтказиш — бу Қонунга масъулият билан ёндашиш кўрсаткичидир, уни "етти ўлчаб бир кес" мақолига менгаш мумкин;

учинчидан, ҳуқуқий эксперимент Конституциянинг барча давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар ва қарорлар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериш мажбуриятини мустаҳкамлайдиган 30-моддасини амалга оширишга қаратилган;

тўртинчидан, ҳуқуқий эксперимент Қонун лойиҳасидаги қоидаларни синовдан ўтказиш ва Қонун нормаларини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқишга қаратилган.

Ҳуқуқий эксперимент қонун лойиҳаси сифатини оширади, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасидаги бўшлиқларни бартараф этади, қонун лойиҳасининг зарурлиги ва самарадорлиги даражасини кўрсатади, қонун лойиҳаси ижросининг дастлабки мониторингини олиб бериш имконини беради. Шунингдек, субъектларнинг қонун лойиҳаси тўғрисида хабардорлигини оширади, қонуннинг барқарорлигини таъминлайди, қонун лойиҳаси бўйича жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга имкон беради.

Француз маърифатчиси **Шарль Луи Монтескьё «Қонунлар руҳияти»** номли мумтоз китобининг «**Қонунлар тузиш усули тўғрисида**» деб номланган 29-бобида «**Мўтадиллик руҳи қонун чиқарувчининг руҳи бўлиши керак**» деб ёзган. Канадада қонун қабул қилингандан кейин камида 5 йил мобайнида унга тузатиш киритиш мумкин эмас. Қонун қабул қилинган вақтдан кейинги даврда қонун нормаларини амалга ошириш амалиёти бўйича мониторинг ўтказилади.

Ҳуқуқий эксперимент нима? **Биринчи**. Ҳуқуқий эксперимент — бу қонун лойиҳасини дастлабки синовдан ўтказиш, унинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини текшириш.

Иккинчи. Ҳуқуқий эксперимент қонун лойиҳасининг ҳам устуворликларини, ҳам камчилик ва нуқсонларини тажриба тартибда аниқлашни мақсад қилиб олади.

Учинчи. Ҳуқуқий эксперимент қонун чиқарувчига энг мақсадга мувофиқ ва мақбул ҳуқуқий қарорни кўрсатиб бериш мақсадида ҳуқуқий нормалар самарадорлигини олдиндан баҳолашнинг энг тежамкор шакли ҳисобланади.

Тўртинчи. Экспериментал қонун лойиҳаси барча ҳолатларда вақтинчалик ҳисобланади ва унинг маконда қўлланилиши аввалдан география жиҳатдан чекланади.

Бешинчи. Қонун лойиҳаси илмий-изланиш хусусиятига эга. Унинг мазмун-моҳияти ҳуқуқий эксперимент ўтказиш жараёнида ҳамда қонунчилик ишларининг кейинги босқичларида жиддий ўзгариши мумкин.

Олтинчи. Ҳуқуқий эксперимент ўтказишнинг ҳуқуқий асоси махсус юридик ҳужжат, бизнинг ҳолатимизда Президент Фармойиши билан ташкил этилади.

Ҳуқуқий эксперимент ўтказувчи ишчи комиссиянинг биринчи ташкилий йиғилишида ҳуқуқий эксперимент хорижий ва халқаро-ҳуқуқ амалиётида кенг ва турлича қўлланиладиган қонун ижодкорлиги фаолиятининг энг муҳим демократик ва замонавий усулларидан бири ҳисобланиши таъкидланди. Ундан фойдаланиш ишлаб чиқиладиган қонун ҳужжатлари лойиҳалари ҳуқуқий нормаларининг яшаш қобилияти бўйича илмий асосланган, жамоатчилик ва давлат қурилишининг реал амалиёти билан чамбарчас боғланган тавсияларни олиш имконини беради. Давлатимиз раҳбари Фармойишининг қабул қилиниши ҳам ушбу қонун лойиҳасини такомиллаштириш учун янги имкониятлар очиб беради ҳамда қонун ижодкорлиги ташаббуси субъектларининг қонун ижодкорлиги фаолиятига янги, истикболли усулни кенг татбиқ қилиш учун пойдевор яратиб беради.

Олиб борилаётган ҳуқуқий экспериментнинг асосий мазмун-моҳияти шундан иборатки, қонун лойиҳаси ташаббускорлари Бухоро ва Самарқанд вилоятларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг реал амалиёти миносида улар фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлайдиган қонун лойиҳаси қоидаларини текшириш имкониятига эга бўлади.

Ҳуқуқий эксперимент давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар нисбатининг шаффофлиги, очиклигини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси қоидаларига амалий ишлов бериш, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтларининг

аҳолини давлат органларининг муҳим социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал қилиш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш соҳасидаги вазифаларни амалга ошириш борасидаги иши тўғрисида хабардор этишдаги роли ва аҳамиятини кучайтириш мақсадида ўтказилади.

Олиб бориладиган ҳуқуқий экспериментнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

биринчи вазифа: қонун лойиҳасининг давлат органлари фаолиятининг очиклигини, шаффофлигини, улардан оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтлари кенг фойдаланишни таъминлашга қаратилган нормалари самарадорлигини аниқлаш;

иккинчи вазифа: қонун лойиҳаси нормалари ва қоидаларини такомиллаштириш, уларни самарали қўллаш механизмларини яратиш, шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнига ҳуқуқий эксперимент усулларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

учинчи вазифа: давлат органлари раҳбарлари ўзи қабул қилаётган қарорларнинг, энг аввало, бевосита одамлар манфаатларига, жамоатчиликка дахлдор масалалар бўйича қабул қилинаётган қарорларнинг мазмун-моҳиятини матбуот анжуманлари, брифинглар, интервьюлар орқали тушунтириш борасидаги ишларда фаол иштирокни рағбатлантиришнинг самарали шакли-ҳуқуқий механизмларини,

Ушбу қонунни қабул қилиш ва амалга ошириш сиёсий плюрализм, мамлакатда ва хорижда юз бераётган воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларнинг ҳар хиллигини ҳисобга олган ҳолда ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг, мамлакатда олиб борилаётган демократик ислохотлар, давлатнинг ташқи ва ички сиёсати очиклиги ва шаффофлигини таъминлашга қаратилган.

усулларини ишлаб чиқиш;

тўртинчи вазифа: миллий матбуотнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини, мамлакатимизнинг ташқи ва ички сиёсатини ёритиш сифатини, самарадорлигини мунтазам ошириб боришга қаратилган, журналистларнинг касбий фаолияти соҳасида ўзини ўзи тартибга солишнинг (касбий этика кодексининг) турли механизмларини амалиётда синовдан ўтказиш;

бешинчи вазифа: қонун лойиҳаси нормалари амалга оширилишининг давлат бошқаруви тизими барқарор фаолият юритишига, бу соҳадаги ахборот хавфсизлигини таъминлашга кўрсатиши мумкин бўлган таъсири оқибатларини баҳолаш.

Ҳуқуқий эксперимент ўтказиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишдан манфаатдор бўлган шахсларга, биринчи навбатда, оммавий ахборот воситаларига, нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига бундай турдаги ахборот олишда кенг имкониятларни очиб беради. Президентининг қабул қилинган Фармойиши билан белгиланадиган ҳуқуқий эксперимент ўтказиладиган субъектлардаги ҳуқуқий режимга мувофиқ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўз фаолияти очиклигини таъминлаш бўйича мажбуриятлари, уни таъминлашнинг асосий усуллари белгиланган.

Ахборот сўровлари ва талабларига тегишли жавоблар тайёрлаш бўйича уларни қўриб чиқиш муддатлари норматив жиҳатдан мустаҳкамланган. Масалан, жисмоний ва юридик шахсларнинг сўрови у рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддатга қўриб чиқилиши лозим, эксперимент ўтказиш субъектлари фаолияти ҳамда эксперимент ўтказиш субъектларининг мансабдор шахслари билан интервью ташкил этиш тўғрисидаги оммавий ахборот воситалари сўрови эса етти кунлик муддатга қўриб чиқилади. Ахборотдан фойдаланувчиларнинг ёзма (шу жумладан,

электрон) ва оғзаки шаклда, шунингдек, бевосита ўз вакиллари орқали давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотга сўров юбориш ҳуқуқлари ҳам мустаҳкамланган.

Ҳуқуқий эксперимент ўтказиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш жадвалига мувофиқ ўтказиладиган ҳуқуқий экспериментнинг вазифаларини самарали бажаришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар комплекси белгиланган. Жумладан, ҳуқуқий эксперимент жараёнида қуйидагилар амалга оширилади:

биринчидан, эспериментнинг бориши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишда жисмоний ва юридик шахслар учун янги имкониятлар, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ривожлантириш соҳасида улар томонидан қабул қилинадиган қарорлар, дастурлар ва бошқа ҳужжатлар тўғрисида жамоатчилик, жамоат бирлашмалари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кенг хабардор қилиш;

иккинчидан, ўтказиладиган экспериментнинг самарадорлиги ва эксперимент ўтказиш субъектларининг ўзининг ахборот очиклигини таъминлаш бўйича фаолияти юзасидан ахборотдан фойдаланувчиларнинг баҳоларини олишга доир социологик тадқиқотлар олиб бориш;

учинчидан, очикликни таъминлаш соҳасида хорижий мутахассислар ва экспертлар иштирокида қонун лойиҳаси нормаларини муҳокама қилиш бўйича конференциялар, брифинглар, давра суҳбатлари ўтказиш ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. Ҳуқуқий эксперимент ўтказиш вақтида қонун лойиҳаси нормаларига мувофиқ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида жамоатчиликни бевосита хабардор қилишнинг сама-

рали шакллари ва механизмларига ишлов бериш мақсадида ҳуқуқий эксперимент ўтказиш субъектлари раҳбарлари томонидан матбуот анжуманлари, брифинглар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан интервьюлар ўтказилади;

тўртинчидан, ҳуқуқий эксперимент вазифаларини самарали бажариш учун махсус Интернет-сайт яратилади, унда ҳар ким экспериментнинг амалга оширилиши жараёни билан танишиб чиқиши, қонун лойиҳаси нормаларини муҳокама этишда иштирок этиши мумкин, ОАВ вакиллари ҳуқуқий эксперимент субъектлари фаолияти тўғрисидаги ахборот материалларини автоматик равишда олиши мумкин. Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликларида ташкил этиладиган Ишчи комиссия ва ишчи гуруҳлар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш учун тизимли асосда видеоконференциялар ўтказишни ташкил этиш назарда тутилди, бу эса сарф-харажатларни анча камайтиради ва улар ўрта-сида ахборот алмаиш тезлигини оширади.

Ҳуқуқий эксперимент ўтказиш якунлари бўйича барча олинган натижалар пухта таҳлил қилинади, улар асосида қонун лойиҳаси матнини ишлаб чиқишда ҳисобга олиннадиган аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Машхур инглиз файласуфи **Фрэнсис Бэкон: «Экспериментга асосланган тажриба барча далил-исботлар орасида энг мукаммалидир»**, деб қайд этган. Буюк физик олим **Альберт Эйнштейн эса «Назарияни тажриба асосида текшириш мумкин, бироқ тажриба асосида назарияни яратиб бўлмайди»**, дея таъкидлаган.

Шундай қилиб, ҳуқуқий эксперимент ҳуқуқий назария ва юридик амалиётни бирлаштириш шакли сифатида юзага чиқиб, ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг «назарий жиҳати» ҳамда бир вақтнинг ўзида назарий библи ҳуқуқий жараёнининг «амалий жиҳати» ҳисобланади.

Акмал САИДОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

ЎзМТДП ташкилотларида



Дастурий мақсадлар ва электорат манфаатлари

уни таъминлаш фаолиятимиз мезонига айланмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумки, 2013 йил мамлакатимизда «Обод турмуш йили» деб эълон қилинди. Юртимизда тинчлик, осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳам-жиҳатликни кўз қорачигидек сақлаш ва мустаҳкамлаш, энг муҳими, ҳар қайси уйда, ҳар қайси маҳаллада яшаётган одам тинчлик ва осудаликнинг қадрига етиб, уни мустаҳкамлашни, ҳимоялашни ўзининг бурчи деб билиши обод турмуш йилидаги асосий вазифа сифатида илгари сурилди, - деди партия раҳбари.

Йиғилишда партия Навоий вилоят Кенгашининг 2012 йилдаги фаолияти танқидий таҳлил этилди. Мазкур масала юзасидан ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Анора Бобомуродова маъруза қилди.

— Партия гоъяларининг кенг омма орасига кириб бориши, аъзолар ва хайрихоҳлар сафининг кенгайишида тарғибот тадбирлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини барчамиз яхши биламиз. Шу боис партия ташкилотларимиз тадбирларнинг ўзига хослигини кучайтириб, мазмун-моҳиятига жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Утган 2012 йил давомида ЎзМТДП вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан жами 656 та турли мавзулардаги тадбир ва ўқув семинарлар ташкил этилди. Тарғибот тадбирларида 100 минг нафарга яқин юртдошларимиз ва партияимиз хайрихоҳлари иштирок этди, - деди нотик. Маърузачи, шунингдек, жойлардаги депутатлик гуруҳлари томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида атрофлича тўхталиб ўтди. Эътироф этилганидек, халқ депутатлари Навбахор туман Кенгашидаги партиядан сай-

ланган депутатлар ташаббуси билан туман Кенгашининг XVIII сессияси кун тартибига ҳудуд-да туризми ривожлантириш йўналишида Президентимиз фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг ижроси таъминлаш бўйича маж-сала киритилди. Бундан ташқари ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳининг қўшма йиғилишида ҳудуд аҳолисини

тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан Навоий вилоят сувоқева бошқармаси бошлиғининг ҳисоботи тингланди.

Йиғилишда сўз олганлар жорий «Обод турмуш йили»да партия фаолиятини янада жонлантириш юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар.

Пленумда қўриб чиқилган ма-салалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Лочин ОБЛОҚУЛОВ, Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Партия Марказий Кенгаши томонидан 2012 йилда депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган эди. Хусусан, «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»нинг ижроси ҳолатини ўрганиш, «Миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш борасида қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг жойлардаги ижроси ҳолатини ўрганиш» ва «Худуд-да туризми ривожлантириш: муаммо ва ечимлар» мавзусини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида ташаббус-масала сифатида олиб чиқиш ва натижаларга эришишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, 2012 йилда электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, партия мақсад ва гоъяларидан келиб чиқиб, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини янада оширишга кўмаклашиш мақсадида партия депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан Нурота, Қизилтепа, Навбахор, Учқудуқ, Қонимех туман Кенгашлари сессиялари кун тартибига бир қатор долзарб масалалар киритилиб, ижроси таъминланмоқда. Жорий йилда бу борадаги ишларни изчил давом эттириш олдимизда турган долзарб вазифалардан саналади.

Нормамат ХИДИРОВ, ЎзМТДП Навбахор туман Кенгаши қошидаги бошланғич партия ташкилоти етакчиси:

— Юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар жараёнида партиянинг қуйи бўғини ҳисобланган бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини жонлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада партия вилоят Кенгаши томонидан қатор ишлар амалга оширилди. Бироқ тобора шиддат билан одимлаётган давр бу тизим фаолиятини янада такомиллаштиришни, бошланғич партия ташкилотлари етакчилирининг ташаббускорлик ва фаолиятини оширишни талаб этмоқда. Пленумда қуйи бўғинлар фаолиятини янада яхшилаш, ўтган йилда амалга оширилган ишларни жорий «Обод турмуш йили»да янада изчиллик билан давом эттириш масалалари хусусида сўз юритилди.

Ўралой ТУРДИЕВА, «Milliy tiklanish» мухбири

Тарғибот

Ободлик кўнгилдан бошланади

партия кенгашларида «Обод турмуш йили»га бағишланган тадбирлар давом этмоқда

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Юнусобод туман Кенгаши ҳамда «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси ҳамкорлигида «Ободлик кўнгилдан бошланади» мавзусида тадбир ташкил этилди.

Йиғилишни «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси бош директори Сувон Нажидинов кириш сўзи билан очди.

— Мамлакатимизда барча соҳаларда кенг қўламли ислохотлар олиб боришда Жорий «Обод турмуш йили» муносабати билан ишлаб чиқилган Давлат дастури эса бу борада амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастурий ламал бўлиб хизмат қилади. Президентимиз таъкидлаганларидек, ободлик, аввало, кўнгилдан бошланади. Ҳар биримиз ўз соҳа ва вазифамиздан келиб чиққан ҳолда давлат Дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ҳиссамизни қўшсак, кўзлаган эзгу мақсадларимизга эришамиз.

Таъкидланганидек, ҳар бир соҳа вакиллари юртимизни обод, аҳоли турмуш даражасини фаровон қилиш мақсадида фидойилик билан меҳнат қилишмоқда. Ўрни келганда эътироф этиш жоизки, бу

борада Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам ўз дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда давлат Дастурида белгиланган мақсад-вазифаларни амалга оширишга кўмаклашиб келмоқда.

— «Обод турмуш йили» давлат Дастурида белгиланган вазифалар партияимиз ҳар бир аъзоси ва депутатлик бирлашмаларидан янада фаоллиқни талаб этади, - деди давра суҳбатида маъруза қилган ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси деовни раҳбари Даврон Сафаров. — Боиси, ёшлар ва хотин-қизларнинг жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий қадриятларни, халқ аънаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнида фаол иштирок этишнинг асосий мақсад қилиб белгиланган.

Йиғилиш сўнгига «Матбуот тарқатувчи» АК бир гуруҳ ходимларига аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Мухтарама КОМИЛОВА, «Milliy tiklanish» мухбири



ПАРТИЯ ҲАЁТИ

Ёшлар қаноти

Сув — ҳаёт манбаи

уни эъозлаш қадрият

Сув — тириклик ва ҳаёт, фаровонлик, тўқин-сочилик ман-баи. Унинг ҳар бир томчисини асраб-авайлаш, оқилона фойдаланиш ҳар бири-миздан алоҳида масъу-лият ва эътибор талаб этади. Зеро, қурраи заминимиздаги барча сув захираларининг 97 фоиздан ортиги истеъмол учун яроқсиз ҳисоб-ланади. Қолган 3 фоизи эса ер юзи ва тоғ ҳудудларини қоплаган чучук сувлар ҳиссасига тўғри келади.

Бугунги кунда дунё микёсида 2 миллиардга яқин одам чучук сув тақчиллигидан азият чекмоқда. Мутахассислар асримиз ўртала-рига бориб бу кўрсаткич жаҳон аҳолисининг 40 фоизини ташкил этиши мумкинлигини тахмин қилишмоқда.

Ўзбекистон “Миллий тикла-ниш” демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик пала-тасидаги фракцияси, партия “Ёшлар қаноти”, Ўзбекистон Рес-публикаси табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамкор-лигида “Сув — ҳаёт манбаи, уни эъозлаш қадрият” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик па-латасидаги фракцияси аъзолари, “Ёшлар қаноти” етакчилари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Тадбирни ЎзМТДП фракция-си раҳбари Улуғбек Муҳаммади-ев кириш сўзи билан очиб, қуйи-дагиларни таъкидлаб ўтди:

— Истиқлол йилларида юрти-мизда атроф-муҳит муҳофаза-си, табиий ресурслар, жумла-дан, сувдан оқилона фойдала-ниш масалаларига алоҳида эъти-бор қаратилиб, бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширил-моқда. Хусусан, 1993 йил 6 май-да сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сув-дан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатга босқичма-бос-кич равишда киритилган ўзгар-тириш ва қўшимчалар қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасидаги исло-хотларни янада чуқурлаштириш, сув ресурсларидан унумли фой-даланиш ва уларни муҳофаза қилишни такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Партиямиз Дастури ва сайлов-олди Платформасида Ўзбекис-

тон табиати, бой табиий ресур-сларини асраб-авайлаш, улардан ҳозирги ва келгуси авлодлар ман-фаатлари йўлида оқилона фой-даланилишини таъминлашни ка-фолатловчи ҳуқуқий ва иқтисо-дий механизмларни такомил-лаштириш, экологик хавфсизлик, айниқса, миллатнинг соғлиги ва генофондини ҳимоя қилишга қўмаклашиш устувор вазифа си-фатида белгиланган. Ана шу мақ-сад-вазифалардан келиб чиқиб ташкил этилган мазкур давра суҳбати жамиятда миллий хавф-сизлигимизнинг ажралмас қисми ҳисобланган экологик хавфсиз-лиқни таъминлаш, хусусан, сув ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни асраб-авайлаш ва муҳофаза қилиш, умуммиллий бойлигимиздан фойдаланиш маданиятини шакл-лантиришга хизмат қилиши шуб-ҳасиз, - деди фракция раҳбари.

Давра суҳбатида мамлақати-мизда табиий бойлигимиз бўлган сув ва сув ресурсларини асраб-авайлаш, улардан тежамкорлик билан фойдаланиш ва исроф эт-маслиқни кенг тарғиб қилиш бо-расида ЎзМТДПнинг олиб бораёт-ган саъй-ҳаракатлари ва позиция-си атрофида таҳлил этилди. Шу-нингдек, “Ёшларда экологик ма-даниятни шакллантиришда пар-тия “Ёшлар қаноти”нинг ўрни”, “Трансчегаравий сув ҳавзалари-дан фойдаланишга оид халқаро ҳуқуқ тамойиллари”, “Сув ва сув-дан фойдаланиш маданияти бу-гунги куннинг долзарб муаммо-си”, “Ўзбекистон Республикаси-ни сув билан таъминлашнинг ис-тиқболлари: муаммо ва ечимлар” каби қатор мавзуларда маъруза-лар тингланди.

Тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП “Ёшлар қаноти” фаоллари бугунги кунда экологик муаммоларни ҳал этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жамиятда экологик мада-ниятни шакллантиришда халқимиз-нинг бой миллий анъаналаридан самарали фойдаланиш масала-рига эътибор қаратдилар. Бино-барин, сув ва сув ресурсларини тежаш, уларга эҳтиёткорона муно-сабатда бўлиш борасида ҳам аж-додларимиздан мерос қадриятлар-ни аҳоли, айниқса, ёш авлод ора-сида кенг тарғиб-ташвиқ этиш партия фаолларининг устувор мақ-садига айланмоғи даркор.

Ийгилишда партия “Ёшлар қаноти”нинг бу борадаги ишти-рокини кенгайтириш юзасидан тегишли чоралар белгилаб олинди.



Арслон Эшмуродов, ЎзМТДП МК ИҚ раиси ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Сув ҳаёт ва тириклик манбаидир. У нафақат инсоннинг яшаш тарзи, балки атроф-муҳит учун ҳам ҳаётий омиллардан биридир. Тадбирда Ўзбекистоннинг сув ресурсларидан оқилона фойда-ланиш борасидаги бир неча халқаро ҳужжатларга қўшилгани ва уларда белгиланган тамойиллар-га тўла-тўқис амал қилиб келаётгани, табиий ресурслардан мақсадга мувофиқ равишда фойда-ланиш ва асраб-авайлаш борасида оқилона сиёсат юритилаётгани алоҳида таъкидланди. Қўта-рилган мавзу бугунги кун учун нихоятда долзарб ҳисобланиб, тадбирда иштирок этган “Ёшлар қаноти” фаоллари бу борада зарур билим ва маълумотларга эга бўлишди. Бу маълумотлар эса жойларда ташкил этилаётган тадбирларда айна муддао бўлиши шубҳасиз.

Улуғбек Жалменов, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Маълумотларга кўра, жаҳон аҳолисининг ҳар 10 нафардан 4 таси истеъмол учун яроқли бўлган сув ичади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, 2025 йилга келиб 3,5 миллион киши ичимлик суви танқислиги шароитида яшashi эҳтимоли бор.

Минтақадаги айрим давлатлар томонидан, айниқса, трансчегаравий дарёлар сувидан фойдаланишда ўзбошимчилик билан иш тутилаётгани ташвишланарли ҳолдир. Ваҳоланки, БМТ томонидан қабул қилинган бир қатор Конвенция ва бошқа халқаро ҳужжатларда трансчегаравий сув захиралари билан боғлиқ лойиҳаларни амалга оширишда ўша ҳудудда жойлашган барча давлатлар манфаатлари ҳисоба олиниши мажбурийлиги ҳақидаги талаблар қатъий белгилаб қўйилган. Уларга амал қилмаслик эса, келгусида нафақат минтақада, балки бутун дунё микёсида оғир экологик муаммо ва оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. ЎзМТДП томонидан ўтказилаётган бу каби тарғибот тадбирлари ёшларни она табиат, хусусан, сувни эъозлашга даъват этиб, даҳлдорлик туйғусини кучайтиришга хизмат қилади.

Шерзод ХОЛМАТОВ, ЎзМТДП Ҳамза туман Кенгаши “Ёшлар қаноти” етакчиси:

— Сайёрамизнинг бошқа минтақаларида бўлгани каби мамлакатимизда ҳам сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. “Ёшлар қаноти” фаоллари билан биргаликда сув ресурсларини муҳофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланиш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, айниқса, ёшлар ўртасида экологик таълим-тарбияни кучайтириш, ҳар бир инсонда атроф-муҳитга эҳтиёт-корона муносабатда бўлиш, юртимизнинг ноёб табиатини асраб-авайлаш ҳиссини шакллантиришга қаратилган изчил тарғибот ташвиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар қутилган самарани бериши шубҳасиз.

Дониёр ТОШБОВЕВ, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бўлим бошлиғи, Шохида МИРЗАЕВА, “Milliy tiklanish” мухбири

Улар томонидан тараққиётимиз йўлида эришилаётган янги ютуқ-лар ва марралар тўғрисида бу-тун жаҳон аҳлига тезкор ахбо-ротлар тарқатишга ҳаракат қилинмоқда.

ЎзМТДП фракцияси аъзоси Илҳом Абдуллаевнинг эътироф этишича, ҳозирги мураккаб бир шароитда ҳар қандай мамла-катнинг жаҳон ахборот бозо-рида рақобатбардошлиги за-монавий, мунтазам янгиланиб турган технологияларни ўзлаш-тиришга қодир юксак билимли ва салоҳиятли кадрлар тайёр-лашга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунингдек, интернет глобал тармоғида матбуот нашрлари-нинг электрон дўконлари фао-лиятини йўлга қўйиш, миллий доменда нафақат марказий, балки ҳудудий босма оммавий ахборот воситаларининг ҳам электрон шаклларини яратиш, шу орқали уларнинг ўз ўқувчи-лари сони ва ҳудудини кенгай-тиришга эришиш, пироварди-да, жаҳон ахборот маконидан муносиб ўрин эгаллаш даркор. Бу борада Ўзбекистон “Мил-лий тикланиш” демократик партиясининг қатъий позиция-си белгилаб олинган.

Семинарда сўзга чиққан де-путатлар, ахборот-коммуника-ция технологиялари соҳасида-ги мутахассис ва экспертлар оммавий ахборот воситалари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация ва рақамли тех-нологияларни жорий этишнинг амалий жиҳатларини ривожлан-тириш, ижодий ва муҳандис-техник кадрларни тайёрлаш ишини янада такомиллаштириш бўйича ўзларининг аниқ фикр-мулоҳазалари ва таклифлари-ни билдирдилар.

Ўз мухбиримиз

Хроника

Юксак маънавиятли ёшлар

давлат ва жамият тараққиётига масъулдир

ҚОРАҚАЛПОФИСТОН

Жамият барқарорлигини сақлаш, аввало оилага ғамхўрликдан, уни мустаҳкамлашдан бошланади. Чунки оила жамиятнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Унинг фаровонлигини таъминлаш, жамият тараққиётидаги нуфузини ошириш, юртимиздаги маънавий ўзга-ришлар асосида ривожлантиришда маҳаллалар ўз имкониятлари-дан кенг фойдаланган ҳолда фаол иштирок этмоқда. Жумладан, ЎзМТДП Марказий ва ҳудудий ташкилотларида оила мустаҳкамли-ги, уларнинг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Партия Шуманай туман Кенгаши “Аёллар қаноти” ташаббуси билан ташкил этилган “Ёш оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш-нинг маънавий-ҳуқуқий асослари ва бунда ЎзМТДПнинг ўрни” мав-зусидаги давра суҳбатида шулар хусусида сўз борди. Унда халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия туман Кенгаши фаоллари, “Қамолот” ЁИҲ туман бўлими Кенгаши вакиллари, бошланғич партия ташкилоти етакчилари, ма-ҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда ЎзМТДП Шуманай туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Г.Сейтжанова сўзга чиқиб, мамлакат тараққиё-ти, юрт ободлиги, жамият фаровонлиги бевосита оилалар мустаҳ-камлигига боғлиқ эканлигини таъкидлади.

— Шахснинг шаклланишида оиланинг ўрни бекиёс эканлигидан келиб чиқиб, оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкам-лаш борасида аниқ мақсадга қаратилган иш олиб бориш, “Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари” деган ғояга асосланган ижтимоий-маънавий лойиҳани амалга ошириш ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан-дир. Ушбу мақсад-вазифаларни амалга ошириш мақсадида партия туман Кенгашимиз томонидан қатор тарғибот тадбирлари ташкил қилинапти, - деди нотик.

Таъкидланганидек, жамиятда инсоний фазилатлар, соғлом маъ-навий муҳитни қарор топтириш, азалий қадриятларимизни асраб-авайлаш, миллий қадрият ва урф-одатларимизга ёт бўлган ғоялар-га қарши курашиш, ёшларни зарарли оқимлар таъсиридан сақ-лашда оиланинг ўрни бекиёсдир.

Тадбирда оиладаги тарбия, эрта турмуш қуриш муаммолари ва бошқа масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ЎзМТДП Ангрэн шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси ташаббуси билан Тошкент вилоят давлат Педагогика институтида “Мустақил-лик ва миллий маънавиятнинг тикланиши” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия Ангрэн шаҳар Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари Ангрэн шаҳар Кенгашига партиядан сайланган депу-татлар, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, институт про-фессор-ўқитувчилари ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мустақил тараққиёт йилларида юртимизда кенг қўламли ислохотлар янги босқичда давом этаётгани, жаҳон молиявий инкирози шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари, аҳоли турмуш даражасини барқарор ривожлан-тириш борасида эришилаётган амалий натижалар, тараққиётнинг “ўзбек модели”га хос устувор тамойиллар дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилаётганини таъкидлашди.

— Истиқлол йилларида халқимиз учун янгидан янги имконият ва шароитлар яратилмоқдаки, ҳар бир юртодошимиз ўз истеъдод ва қобилиятини намоён этиб, юрт тараққиётига ҳисса қўшмоқда, - деди ЎзМТДП Ангрэн шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ў.Абдуқодиров. — Бу жараёнларда ЎзМТДП дастурий мақсадлари-дан келиб чиқиб, халқимизнинг бой ва бетакор маданияти, маъна-вий, ахлоқий ҳамда миллий анъаналарига ғанииб, фуқароларни миллий гурур ва ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шунингдек, кўп асрлик анъана урф-одатларни сақлаб қолишга қўмаклашиб келмоқда.

Тадбир якунида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, истиқлол йилларида юртимизда эришилган ютуқлар ва амалга оширилаётган ислохотларни аҳоли ўртасида тарғиб қилиш, фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий онгини янада юксалтиришга қаратилган тарғибот тадбирларини кўпайтиришга келишиб олинди.

ФАРҒОНА

Мамлакатимизда инсон манфаатларини кўзлаб амалга ошири-лаётган ислохотлар, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган эътибор, шаҳару қишлоқларни обод этиш каби ишлар замирида оилавий бахт, мустаҳкам жамият барпо этиш ҳамда турмушимизни обод қилишдек эъғи мақсад муҳассас.

ЎзМТДП Фарғона вилоят ва Бувайда туман Кенгашлари “Аёллар қаноти” ташаббуси билан “Обод турмуш - фаровон ҳаёт гарови” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия вилоят ва туман Кенгаши ходимлари, халқ депутатлари вилоят, туман Кенгаши депутатлари, “Қамолот” ЁИҲ туман бўлими фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда оммавий ахборот восита-лари вакиллари иштирок этдилар.

— Инсон онги ва тарбиясидаги энг яхши фазилатлар, дунёқара-шини белгилайдиган маънавий мезонлар, аввало, оила бағрида куртак ёзади, - деди ЎзМТДП Фарғона вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси М.Жўраева. — Халқимиз ўз бахтини ота-она, фарзандлари, бир сўз билан айтганда, оиласи-нинг мустаҳкамлигида, турмушининг ободлиги ва тинчлигида кўра-ди. Жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оила институтини мустаҳкам-лаш, у орқали бутун жамият ҳаёти, турмушни обод этиш ҳамда юртимиздаги кўплаб маънавий ўзгаришлар учун ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилишга қўмаклашиш ЎзМТДПнинг ғоя ва мақсадла-ри сирасига қиради. “Обод турмуш йили” давлат Дастурида бел-гиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш, ёш оилалар ва унда вояга етаётган фарзандларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи-ни янада ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларда партия фаолла-ри ҳам масъулият билан ендашишмоқда.

Тадбир иштирокчилари бошланғич партия ташкилотлари фаол-лари билан биргаликда жойларда тарғибот ташвиқот ишларини янада ривожлантириш даркорлигини билдириб ўтишди.

СИРДАРЁ

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Ватанни сев-ган ва унинг миллий-маънавий қадриятларини ҳурмат қилуви ёшлар-ни ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги етакчи куч, бошлаган эзгу ишларимизнинг давом-чилари сифатида тарбиялашга қўмаклашиб келмоқда.

ЎзМТДП Гулистон шаҳар Кенгаши қошида ташкил этилган бош-ланғич партия ташкилотига “Юксак маънавиятли ёшлар — Ватан келажаги” мавзусида тадбир ташкил этилди.

— Юксак маънавиятли баркамол авлодни вояга етказиш, ёшлар-ни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик, миллий-маънавий-тарихий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни замона-вий билим, касб-хунар ва мутахассисликларни эгаллашга рағбат-лантириш ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган усту-вор вазифалардан саналади, - деди партия Гулистон шаҳар Ке-нгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Салиева. — Ушбу дастурий вазифаларни амалга ошириш мақсадида “Озод юртининг обод гўшаси” ёшлар акцияси, форум ва лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Шунингдек, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий са-водонлигини юксалтириш мақсадида партия “Ёшлар қаноти” қоши-да “Ёш сиёсий билимдонлар” клуби фаолият олиб боради. Партия-нинг ёшлар борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш олдимиз-да турган асосий мақсадларимиздандир.

Таъкидланганидек, ЎзМТДП Маркази ва ҳудудий Кенгашлари фаоллари мамлакат ва халқимиз манфаатларини кўзлайдиган ва устувор деб биладиган баркамол авлодни тарбиялаш борасида юртимизда олиб борилаётган ишда фаол иштирок этиб келмоқда.

Мухтарама КОМИЛОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

Семинар

Замонавий медиа технологиялар

оммавий ахборот воситалари тараққиётида юксак аҳамият касб этади

Юртбошимиз 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунилари ҳамда 2013 йилга мўължалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ахборот-коммуникация ва теле-коммуникация технологиялари соҳасидаги чора-тадбирлар ва лойиҳаларни жадвал амалга ошириш тобора муҳим аҳа-мият касб этаётганини таъкидлаб, шундай дедилар: “Биз ўзимизга шунинг аниқ тасаввур этишимиз керакки, иқтисо-дийнинг барча соҳаларида, қундалик ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш бўйича туб ва ижобий маънодаги портлаш эффектини берадиган ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб, истиқ-болдаги мақсадларимизга эришиш қийин бўлади”.

Унда босма оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳам ил-гор медиа технологиялар имко-ниятларидан кенг ва самарали фойдаланиш, замонавий ахбо-рот тармоқларининг улуши ва таъсири тобора ортиб бораёт-ган бир шароитда, мамлаката-мизда Интернет журналистика-сини янада ривожлантириш, уни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш каби масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Семинарда сўзга чиққанлар мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаш-тириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда оммавий ах-борот воситалари муҳим ўрин тутушини алоҳида таъкидлаш-ди. Бинобарин, кейинги йиллар-да ахборот соҳасини ислоҳ

қилиш, ахборот ва сўз эркинли-гини таъминлаш борасида Ўзбе-кистонда кенг микёсли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ай-ниқса, соҳага илгор техника ва технологиялар, хусусан, замо-навий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, мазкур йўналишдаги ҳуқуқий асосларни янада такомиллаш-тириш масаласи бу борада ус-тувор мақсад қилиб белгилан-ган. Натижада оммавий ахборот воситалари фаолиятига илгор медиа технологияларни жорий этиш бўйича кейинги йилларда кенг қамровли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

— Соҳага замонавий ахборот-коммуникация технология-ларини татбиқ қилиш, интернет журналистикасини ривожланти-риш бўйича илгор хорижий таж-рибани қўллашни бугунги замон-

нинг ўзи тақозо этмоқда, - дей-ди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шухрат Дехоонов. — Ҳозирги кунда кўплаб босма нашрлар ўз веб-сайтларига эга бўлиш би-лан бир қаторда, махсус интер-нет-нашрларга ҳам асос солин-моқда. Зеро, босма оммавий ах-борот воситалари фаолиятига энг сўнгги русумдаги медиа тех-нологияларнинг жорий этилаёт-гани миллий матбуотимиз риво-жида, унинг халқаро андозалар талаблари даражасига қўтари-лишида муҳим аҳамият касб эта-ди. Бу борада халқаро майдон-да ахборот соҳасида эришилаёт-ган ютуқларни пухта ўрганиш ва ўзлаштириш, журналистлари-мизнинг хорижий ҳамкасблари билан тажриба алмашиш тизи-мини янги босқичда йўлга қўйиш талаб этилади. Бунинг учун эса замонавий медиа техника ва тех-нологияларни, интернет тизи-мида қўлланиладиган чет тили-ларини пухта эгаллаш зарур.

Бу борада Ўзбекистон “Мил-лий тикланиш” демократик партиясининг сайловолди Плат-формасида назарда тutilган мақсад-муддаоларни рўёбга чи-қариш партия фаоллари ва фрак-цияси аъзоларининг устувор ва-зифасига айланган. Жумладан, бугунги глобаллашув шароити-да оммавий ахборот воситалари замонавий медиа технологиялар имкониятларидан юқори дара-жада, самарали фойдаланишла-ри, ўз веб-сайтларини ташкил этиш масаласига жиддий эъти-

бор қаратишлари, журналистлар-нинг бу борадаги билим ва кўник-маларини бугунги кун талаблари даражасига олиб чиқишларига қўмаклашиш асосий мақсади-миздир. Зеро, ҳозирги кунда тез ўзгариб, мураккаблашиб бораёт-ган замоннинг ўзи, тобора ку-чайиб бораётган турли таҳдид ва хатарлар оммавий ахборот во-ситалари олдига муҳим ва масъ-улиятли талабларни қўймоқда. Ана шундай бир вазиятда муста-қил онг ва мустақил фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш маса-ласи нафақат маънавий, балки муҳим сиёсий масаладир. Шун-дай экан, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг қалби ва онгида маф-куравий бўлишқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, уларни турли маъ-навий таҳдидлар, ахборот хуруж-ларидан асраш, миллий ва ум-уминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришда соҳага илгор ахборот-коммуникация техноло-гияларини фаол жорий этиш ва бу борадаги ишларни тизимли равишда, босқичма-босқич та-комиллаштириб бориш долзарб вазифадир.

Семинарда эътироф этилган-нидек, мамлакатимизда ахборот-ни янада тезкор тарқатиш имко-нини берадиган интернет жур-налистикасини ривожлантириш учун барча зарур ҳуқуқий ва таш-килий шароитлар яратилган. Бу-гунги кунда медиа-маконда ом-мавий ахборот воситаси сифа-тида рўйхатдан ўтган 200 га яқин веб-сайт фаолият кўрсатмоқда.

ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

Депутат минбари

Хоразмда туризм янада ривожланади

ушбу мақсадга қаратилган қарор ва дастур ижроси жараёнида ЎЗМТДП ҳудудий ташилотлари фаол иштирок этишга интилмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дарҳақиқат, ўзбек халқи ўзининг бой ва қадимий тарихига эга. Хусусан, Хоразм ўлкасида милоддан бир қанча минг йиллар аввал овчилик, чорвачилик, суғорма деҳқончилик вужудга келган, йирик суғориш иншоотлари қурилган, монументал меъморчилик, тасвирий санъат, бадийи ҳунармандчилик ривожланган. Асрлар давомида тараққий топиб, мукамаллашиб борган.

Қадимги Хоразм зардуштийлик марказларидан бири бўлган. Жаҳон илм-фанига бебаҳо ҳисса қўшган Ал-Беруний, Ал-Хоразмий, Чағминий, Замахшарий, Котиб Хоразмий, Ал-Ҳаммор, Ал-Масиҳий, Фахриддин Розий, Исмоил Журжоний каби қомусий олимлар етишиб чиққан Хоразмда Ўрта Осиёда биринчи йирик илмий муассаса - Маъмун академияси ташкил топган. Бу илм даргоҳида Шарқнинг буюк алломалари ижод қилганлар.



Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ташаббуси билан “Сулаймон қалъа” Дирекцияси ҳамда Ҳазорасп музейини ташкил қилиш масалалари бўйича амалий ишларни олиб бориш тўғрисида келишиб олинди.

Президентимиз Хоразм тўғрисида шундай таъкидлайдилар: “Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган бу каби тарихий ёдгорликлар орасида бундан қарийб ўн минг йил муқаддам Хоразм воҳаси ҳудудида яратилган “Авесто” деб аталган бебаҳо маънавий обида алоҳида ўрин тутади”.

Хоразм тарихида Урганч ва Хива шаҳарлари каби Ҳазораспнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Ҳазорасп Жанубий Хоразмнинг шарқий дарвозаси вазиёларини ўтаган. Бу қадимий қалъа тарихига оид илк ёзма маълумотлар араб сайёҳлари ва географ олимлари асарларида ўз ифодасини топган.

Шарқшунос олимларимиз Кот(-Кос), Гурганж ва Ҳазорасп шаҳарлари баланд мудрофаа деворлари ва чуқур хандақ билан ўраб олинганлигини қайд этадилар. Ҳасрда Хоразмга келган ал-Истаҳрий ўз асарида Амударёнинг ўнг ва сўл қирғоқларида мавжуд бўлган савдо ва ишлаб чиқариш марказларига айланган 14 та шаҳар — Даргон, Ҳазорасп, Хива, Хушмисан, Ардахушмисан, Сафардиз, Кардаранхос, Нузвар, Кит(Гит), Андарастон, Карья-Баратакин, Курдар, Мадминия ва Маздаҳқон ҳақида маълумот беради.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Хоразм Маъмун академиясининг қайта ташкил қилиниши кўплаб тарихий қадриятлар қатори Ҳазорасп шаҳрининг пайдо бўлиши ва ривожланишини ҳар томонлама ўрганиш соҳасида ҳам янги даврни бошлаб берди. Муствақиллик йилларида етакчи археолог олимлар томонидан Ҳазораспни археологик тадқиқ қилишга жиддий киришилди. Жумладан, ёдгорликнинг жанубий қисмида жойлашган Жомеъ масжиди яқинида ва қалъа деворининг шимолий-ғарбий бурчаги ички қисмида археологик тадқиқотлар олиб борилиши натижада шаҳарнинг аниқ тарихий ёшини аниқлаш имконини берадиган янги қimmatли ашёвий маълумотлар қўлга киритилди. Археологик ашёлар шаҳарнинг барпо бўлиш даври тарихи милоддан аввалги VII аср билан боғлиқлигидан дарак бермоқда. Бу сана кейинги археологик қазималар туйғайи янада қадимийлашиши эҳтимолдан йироқ эмаслигини кўрсатмоқда.

Ҳазорасп — Хоразмнинг қадимий маданияти марказларидан бири бўлган, ўзига хос қалъа — истехком ҳисобланган. Кўпчилик қалъалар каби Ҳазорасп ҳам ташки ва ички қисмлардан иборат бўлган. Қалъанинг ташки қисми деворлари XX асрнинг 50-йиллариғача сақланган. Афсуски, мустабид тузум даврида девор қолдиқлари қалъа атрофидаги сунъий қўл-хандақни қўмиш учун ишлатилган ва ташқи қалъадан ном-нишон ҳам қолмаган.

Оташпарастлик дини асосчиси Зардуштининг ҳам ватани Ҳазорасп ҳисобланади. Чунки, биринчи муқаддас олов ёқилган уша ибодатхона қолдиқлари Ҳазорасп қалъасининг Шарқий бурчагида ҳозиргача

сақланиб қолган. Қолаверса, шаҳар номи ҳам «Атар-спента» — «Озар-исфанд», яъни — муқаддас олов деган маънони билдиради. Ҳазорасп Хоразмнинг шарқида жойлашган асосий истехком қалъаси бўлиб, Хоразмга бостириб келган душманлар зарбасини биринчи бўлиб қарши олган жой ҳисобланади.

Ҳазорасп маълум бир даврда Хоразмнинг пойтахти ҳам бўлган: VIII аср ўрталарида Хоразмда ҳукмронлик қилган Абу Мухаррам Муҳаммад Музробшоҳ Хоразмий уни ўзига пойтахт қилган.

XVII аср ўрталарида ҳукмронлик қилган Исфаңдйёр ибн Араб Муҳаммадхон даврида ҳам Ҳазорасп пойтахт шаҳар бўлган.

Муствақиллик даврида Президентимиз ташаббуси билан тарихий обидаларни қайта тиклаш ва таъмирлаш борасида Хоразм вилоятида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, Президентимизнинг яқинда қабул қилинган Хоразм вилоятида 2013-2015 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисидаги қарорини алоҳида таъкидлаш лозим. Қарорда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари белгиланди. Хусусан, 2015 йилга бориб туристик хизматлар кўрсатиш 2012 йилга нисбатан 4,9 баробар ўсиши кўзда тутилмоқда, туризм хизматларининг экспорти 3,8 баробар, туристлар сони 1,7 баробар, меҳмонхоналар сони 1,8 баробар ўсиши кўзда тутилган. Хоразм вилоятида 2013-2015 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш дастурига мувофиқ туризм инфратузилмасини ривожлантириш, туристик маршрутларни ҳамда хизматларини такомиллаштириш, туристик потенциални тақдимот қилиш бўйича тадбирлар ўтказиш, туристлар учун инфратузилмани янада яхшилаш, туризм соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш каби вазифалар белгиланган.

Ушбу Дастурга мувофиқ Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида жойлашган “Ҳазорасп қалъаси” негизида туристик комплексни ташкил этиш, жумладан, 600 кишига мўлжалланган очиқ амфитеатр, қалъа атрофида йўловчилар учун йўлак ташкил этиш, шарқ бозори ва хунармандлар растасини таъмирлаш, ёнидаги қўлни ободонлаштириш, қадимий “Ҳазорасп қалъаси” музейини ташкил этиш, унда археологик топилмалар, қадимий расм ва ашёларни намойиш этиш ҳамда қалъага борувчи автойўлни жорий таъмирлаш кўзда тутилган. Бундан ташқари Хоразм вилоятида 2013-2015 йилларда тарихий-маданий объектларни реставрация қилиш ва ахволини яхшилаш бўйича тасдиқланган манзилли Дастурда “Ҳазорасп қалъаси” деворларини тиклаш ҳам кўзда тутилган.

Умуман олганда, Дастурда кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишда Давлат бюджети, ташкилот ва муассасалар маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари, чет

эл инвестициялари, грант маблағлари ва Республика йўл жамғармаси маблағлари кўзда тутилган.

Хоразм вилоятини ривожлантириш бўйича қабул қилинган Президиентимиз қарорлари ҳамда ана шу асосда амалга оширилаётган ишлар аҳоли томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Ушбу ишларда улар фаол иштирок этмоқдалар. Хусусан, вилоятнинг ҳар бир туманида дам олиш кунлари шаҳарларни ободонлаштириш учун ҳашарлар уюштирилмоқда, кам таъминланган одамларга моддий ва маънавий ёрдам бериш бўйича хайрия ишлари олиб борилмақда.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳудудий партия ташкилотлари ўз дастури, ғоя ва мақсадларига уйғун ҳамда ҳамоҳанг бўлган ана шундай кенг қўламли ва хайрли ишларнинг амалга оширилишида яқин кўмақдош бўлмақда. Аввал хабар қилганимиздек, ЎЗМТДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Хоразм вилояти Кенгаши ташаббуси билан Хоразм Маъмун Академияси, Урганч Давлат уни-

Партиямиз фаоллари туман “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда Президентимиз қарорида белгиланган Ҳазорасп қалъасини асраб-авайлаш ва ён-атрофини ободонлаштириш каби вазифаларни амалга оширмоқдалар.

верситети ҳамкорлигида “Антик давр цивилизацияси тараққиётида Хоразмнинг ўрни” мавзусида Республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Унда белгиланган мавзу учта шўъба доирасида муҳокама этилди. Жумладан, учинчи шўбада “Ҳазорасп — Буюк Ипак йўлидаги қадимий маданияти маркази” мавзусида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоят Кенгаши аъзолари, республикамизнинг таниқли тарихшунос олимлари, археологлари маърузаларни тинглангди. Ҳазорасп қалъасига экскурсия уюштирилди. Анжуманда миллий қадрият, аънана ва урф-одатларимизни тиклаш, ёш авлод онгига уларни чуқур сингдириш, тарихий обидаларимизни тиклаш, тарихини ўрганиш тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш каби вазифалар долзарблigni таъкидлаб ўтилди. Партия сайловолди Платформасида белгиланган ёшларни буюк ва бетакор меросини билан кенгроқ таништириш, уларни аждодларимиз аънаналарини давом эттиришга жалб қилиш каби тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бериши айтиб ўтилди. Анжуманда Президентимизнинг “Ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари бундан 2700 йил муқаддам аynи Хоразм воҳасида қўйилган. Шу маънода, миллий давлатчилигимиз тарихи Миср, Хитой, Хиндистон, Юнонистон, Эрон каби энг қадимий давлатлар билан бир қаторда туради”, деган эътирофлари бот-бот тилга олинди. Шунингдек, тадбирда Хоразмнинг қадимий шаҳарларидан бири бўлган Ҳазорасп қалъаси (“Сулаймон қалъа”) тарихи, Буюк Ипак йўлида жойлашган ушбу шаҳарнинг Хоразм давлатчилиги тараққиётида тутган ўрни ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ташаббуси

билан “Сулаймон қалъа” Дирекцияси ҳамда Ҳазорасп музейини ташкил қилиш масалалари бўйича амалий ишларни олиб бориш тўғрисида келишиб олинди.

Таъкидлаш жоизки, ЎЗМТДП Хоразм вилояти Кенгаши томонидан “Антик давр цивилизацияси тараққиётида Хоразмнинг ўрни” деб номланган анжуман материаллари китоб ҳолатида чоп қилинди.

ЎЗМТДП фракцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазир эшитувида Ҳукумат олдида тарихий обидаларимизни тиклаш, туризм соҳасини ривожлантириш, миллий хунармандчилик, оилавий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, ички бозорни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш каби масалалар қўйилган эди. Хусусан, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши, партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси, партиянинг Хоразм вилояти Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Республика “Хунарманд” уюшмаси ва Хива туман ҳокимияти ҳамкорлигида “Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти” мавзусида амалий семинар ўтказилди. Тадбирнинг асосий мақсади Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, хусусан, партия электорати бўлимиш хунармандларни қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорлиқни ташкил этиш ва ривожлантиришга қўмаклашиш, уларга қўшимча шарт-шароит ва имтиёзлар яратиш, банк имтиёзли кредитларининг ажратилишида кўмак бериш, хотин-қизлар бандлиги ва коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳамда уларни тижорат банклари хизмат турлари, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти билан мунтазам таништириб боришдан иборат. Ушбу тадбирда 250 нафардан зиёд киши иштирок этиб, 20 нафар хунарманд ва тадбиркорга 573 млн.сўмлик им-

Қонунчилик палатасида

Жисмонан ва маънан баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларни замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялаш катта масъулият талаб этувчи вазифа ҳисобланади. Шу боис юртимизда таълим тизимини такомиллаштириш, ҳеч кимдан кам бўлмаган юксак маънавиятли, интеллектуал салоҳиятли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда.



Таълим тизимида оид қонунлар

ижросини таъминлаш ёшлар камолотида муҳим ўрин тутади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг Фарғона вилояти умумтаълим муассасаларида ижро этилишига оид назорат-таҳлил якунига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎЗМТДП фракцияси аъзолари, Халқ таълими вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги ва вилоят халқ таълими бошқармасининг мутасадди раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, хусусан, умумтаълим мактабларида ўқитиш сифати, дарслик ва ўқув-қўлланмалар билан таъминланганлик ҳолати, таълим муассасалари ҳамда тегишли ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириш билан боғлиқ долзарб масалалар ва уларнинг ечимларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишни Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси А.Маматов кириш сўзи билан очди:

— Муствақиллик йилларида давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг муҳим босқичлари амалга оширилиб, маъно ва мазмун жиҳатидан ҳеч қайси бир давлатда мавжуд бўлмаган узлуқсиз таълим тизими шакллантирилди. Бугунги кунда ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларга касб-хунар сирларини ўргатиш, мутахассисликка эга бўлган йиғит-қизларни иш билан таъминлашнинг такомиллашган тизими ва мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилди.

Мазкур йиғилиш фарзандларимиз таълим-тарбияси ҳамда соҳани такомиллаштиришга қаратилганлиги билан долзарб аҳамиятга эга. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, соҳага оид қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишида муҳим саналади, - деди нотик.

Тадбирда сўз олган депутатлар ёшларнинг миллатимиз ва юртимизнинг истиқболини белгилувчи улкан куч

Урал ХАЙТОВ, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси:

— Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг сайловолди Платформасида фаннинг ривожланиши мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи асосий меzonлардан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда фан соҳасини ривожлантириш ва Ўзбекистоннинг илмий заёлиларини бундан бўён ҳам қўллаб-қувватлаш, таълим, фан соҳасини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилинишига, истеъдодли ижодкорларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий ва амалий механизмларини такомиллаштиришга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Партиямиз фракцияси аъзолари ўз фаолиятида ҳамда қонун ижодкорлиги жараёнида соҳани такомиллаштириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мазкур тадбирда ҳам мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларнинг интеллектуал, жисмоний, ахлоқий тарбияланишини таъминлаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар билан таништириш, болаларни мактабга сифатли тайёрлаш мақсадида дидактик ўқув-қўлланмалар, чет тилларни ўрганиш бўйича кўرғазмалар воситаларни тайёрлаш, турли тўғрақлар, маънавият, экология хоналари, кичик музейлар ва кутубхоналар микдорини кўпайтириш зарурилиги таъкидланди.

Азамат ЗИЁ, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси:

— Ёшлар ҳамият таянчи, келажагимиз эгаларидир. Шу боис, юртимизда истиқлолнинг илк кунларидан ёш авлод таълим-тарбияси, маънавий юксалишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида ёш авлод учун барча имкониятлар мавжуд бўлган муҳташам таълим масканлари, спорт иншоотлари барпо этилди.

Эътироф этиш жоизки, халқ таълимини ривожлантириш соҳасида кадрлар тайёрлаш устувор принцип эканлигига амал қилган ҳолда жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган буюк бобокалонларимиз тажрибалари асосида соҳани янада ривожлантиришга кўмаклашиш ЎЗМТДП сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади. Йиғилишда сўз олган фракциямиз аъзолари ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда қатор тақдирлар билдиришди. Жумладан, маҳаллий бошқарув органлари, маҳалла ва ота-оналарнинг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари таркиби сифатини янада яхшилашга йўналтирилган малака ошириш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг чет тилларни ўрганишларига алоҳида эътибор қаратилиши таъкидланди.

Камолитдин ХОТАМОВ, “Milliy tiklanish” мухбири

МАЪНАВИЯТ

Миллий қадриятларимиз

Бахшилиқ — бебаҳо номоддий мерос

2003 йилнинг 17 октябрида ЮНЕСКО томонидан Парижда махсус Конвенция қабул қилинган эди. Ундан кўзланган асосий мақсад — глобаллашув ва ижтимоий ўзгаришлар жараёнида ҳамжамиятлар ўртасида ўзаро мулоқот ўрнатиш учун қулай замин яратиш, номоддий маданий меросни сақлаш, унинг йўқолиб ва бузиллиб кетишига йўл қўймаслик ва муҳофаза этишдан иборат. 2007 йили Ўзбекистон мазкур “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича халқаро Конвенция”ни ратификация қилди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йил 7 октябрда “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Дастурда Ўзбекистоннинг қадимий фольклор ва аънавий ижрочилиги сақланиб қолган Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона водийси бўйлаб комплекс фольклор экспедициялари уюштириш, шунингдек, рўйхатга кириштишга тавсия этилган объектларни жойида ўрганиш имконияти яратилди. Қолаверса, қўшимча материаллар тўплаш, манбаларни бойитишда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Афғонистон ва Хитойда яшовчи ўзбеклар фольклорини ёзиб олишни ташкил этиш, энг ноёб намуналарни босма кўринишда, аудио вариантда chop этиш, миллатимизга хос фольклорнинг турли кўринишларини таққослаш имкониятини яратиш вазифаси юкланди. “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 томлигини асар матни, нотаси ва изоҳлари билан нашрга тайёрлаш, халқ ижодиётининг энг сарва намуналари жамланмасини бошқичма-бошқич chop этиш мақсади кўйилди. Жаҳон номоддий маданий меросининг Репрезентатив рўйхатига кирилган “Шашмақом”, “Наврўз”, “Катта ашула” объектларини инвентарлаштириш ишларини якунлаш, жаҳон номоддий маданий меросининг Репрезентатив рўйхатига кириштиш учун тавсия этилган “Бахшилиқ”, “Аския”, “Лапар” ва “Халфачилиқ” ҳақида тўлиқ маълумотларни ЮНЕСКОга тақдим этиш вазифаси қўйилди.

Бахшилиқ санъати халқимизнинг беназир номоддий маданий мероси сирасига қиради. Истиқлол йилларида мамлакатимизда мазкур йўналишда амалга оширилган қатор тадбирлар уни янада ривож топишига хизмат қилмоқда. Қадим замонлардан буён юртимизнинг тоғли, чўл ва чалачўл ҳудудларида чорвадор ва ярим чорвадор аҳоли орасида бахшилар ижод қилиб келган. Халқимиз орасида бахшилар турли номлар билан аталади. Масалан, Хоразмда бахши гўянда, аёллар орасида халфа, Сурхондарё ва Қашқадарёда шоир, соқий, юзбоши номлари қўлланилган. Достон ижрочилари одамларнинг маънавиятини юксалтириб, руҳиятига озик берганлар. Бахшиларнинг кўпчилиги ички овоз билан бўғизда қуйлайди. Бу табиатда мавжуд жонли ва жонсиз объектларнинг инсон тасаввуридagi ийикоси сифатида унинг руҳига ўтиб, ички овозда ўз аксини намоен этади ва тингловчилар эътиборини тортади. Достонлар халқ идеалидаги тушунча ва тасаввурларни, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, ахлоқий-эстетик қарашлари, адолат, озодлик ва тенглик учун кураш, Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат каби туйғулар ўзининг бадий ифодасини топади. Шунингдек, бахшилар тарихда “ўзан”, “озан” деган номлар билан ҳам аталиб, улар наср, шеър, мусика ва рақсини қўша олувчи ижрочилар бўлишган. “Ўзган” сўзи “ўзиб кетган” деган маънони англатган. Фитратнинг гувоҳлик беришича, ўзанлар

қўбиз чолғуси ёрдамида қуйлаганлар. Улар элнинг улуг инсонлари ҳисобланган. Ҳар бир бахши достонларни ўзига хос тарзда қуйлайди. Қизиги, бир достон айни бир бахши томонидан иккинчи марта айтилганда яна ўзгарган ҳолатда қуйланиши мумкин. Энг аҳамиятли томони, бахши тилида ватанимизнинг кенг далаларию, поёнсиз даштликлари таърифи янада виқорлироқ, қаҳрамонларнинг хислатлари жонлироқ ва ишонарлироқ бўлаверади. Достон тинглаш жараёнида бахши афсонавий воқеаларни кўз ўнгингизда содир бўлаётгандек тасвирлайди, улугвор хислатлар ва қаҳрамонларнинг абадий яшашини кўрсатиб беради. Шунинг учун ҳам халқимизда “Бахшили эл, яхшили эл” деган нақл бор.

Истиқлол йилларида халқимизнинг аjoyиб маънавий мероси бўлиши бахшилиқни ривохлантириш, соҳа келажагини таъминлаш ва уни янги иқтидорли кадрлар билан бойитиш, тарғиб-ташвиқ қилиш муҳим ўрин

Бахшилиқ санъати халқимизнинг беназир номоддий маданий мероси сирасига қиради. Истиқлол йилларида мамлакатимизда мазкур йўналишда амалга оширилган қатор тадбирлар уни янада ривож топишига хизмат қилмоқда. Қадим замонлардан буён юртимизнинг тоғли, чўл ва чалачўл ҳудудларида чорвадор ва ярим чорвадор аҳоли орасида бахшилар ижод қилиб келган. Халқимиз орасида бахшилар турли номлар билан аталади. Масалан, Хоразмда бахши гўянда, аёллар орасида халфа, Сурхондарё ва Қашқадарёда шоир, соқий, юзбоши номлари қўлланилган.

тутмоқда. 1999 йил 6 ноябрда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда “Алпомиш” достонининг 1000 йиллиги кенг миқёсда нишонланиш бу борада муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳамда “Олтин мерос” халқаро бахшиликни ҳамкорлигида бахши-шоирлар, оқинлар, жиров ва халфаларнинг аънаваный Республика кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Танлов Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида биринчи маротаба 1999 йили ташкил этилган эди. 2003 йил эса “Бойсун баҳори” тадбирлари доирасида ўтказилиб, унда хоразмлик Етмишбой Абдуллаев, қорақалпоғистонлик Бахберген Сиримбетовлар муваффақиятли иштирок этдилар. 2005 йили Термиз шаҳрида бўлиб ўтган наvbатдаги танловда энг юқори ўринденовлик Б.Маматмуродов, хоразмлик Б.Рўзметовга насиб этган бўлса, сурхондарёлик Шеробод достончилик мактаби асосчиси Умир бахшининг набираси Қора бахши Умиров энг кекса ижрочи деб топилди. 2006 йил Қашқадарё вилоятининг Чирокчи туманида, 2009 йил Шўрчида, 2011 йил Тошкент вилояти Паркент туманида бахши-шоир ва оқинларнинг VII бор аънаваный Республика кўрик-фестивали бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон халқ бахшилари билан бирга ёш бахши ва халфалар иштирок

этди. Тадбир якунида турли номинацияларда голиб ва совриндорларнинг рағбатлантирилиши жараёнида янгидан-янги истеъдодли бахшилар кашф этилди. Бахшилиқ санъатини ривожлантиришдаги кўп йиллик хизматлари эътиборга олиниб, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият кўрсатаётган қатор бахши-шоирларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан “Ўзбекистон халқ бахшиси” унвонининг берилиши эса соҳа тараққиётига улкан туртки бўлди. Сурхондарё вилоятидан Шоберди Болтаев (Бойсун), Абдуназар Поёнов (Қизирик), Боборайим Маматмуродов (Денов), Қашқадарё вилоятидан Шомурод бахши (Чироқчи), Абдуқаҳҳор Рахимов (Дехқонобод), Баҳром бахши Рахимов (Дехқонобод), Самарқанд вилоятидан Зиёдулла бахши Исмолов (Нарпай), Хоразм вилоятидан Қаландар бахши Норматов, Қурбонназар (Норбек бахши) Абдуллаевлар ушбу юксак унвонга сазовор бўлган санъаткорлардир. 2003 йил “Шарқ тароналари” халқаро мусика фестивалида бўғизда “ўғизлов” шаклида қуйловчи Россиянинг Тува ўлкасидан келган “Уранхой” ансамбли санъаткорлари фестивалнинг олий мукофотида сазовор бўлди.

Хулоса ўрнида шунга айтиш мумкинки, миллатимизнинг бу бебаҳо санъатини янада кенгроқ ривожлантириш, жумладан, халқ озаки ижодиёти ёдгорликларини чет тилларга таржима ва тарғиб қилиш, соҳага чет тилларни биладиган кадрларни жалб қилиш лозим. Бугун достонларни тарғиб қилишда асосан теледастур ва радио эшиттиришлардан кенгроқ фойдаланилади. Бу санъат асарини кино

ва театр сахналарига олиб чиқиш, достонларимизда халқимизнинг минг йиллиқ аънава, қадрияти ва урф- одатларини акс эттиришни янада ривожлантириш талаб этилади. Соҳада қилинган ишларнинг тарғиботини қучайтириш, мусика дарсларида достонлар учун кўпроқ ўрин ажратиш ва мусика дарсликларини фоно ёзувлари бўлган CD дисклар билан таъминлаш лозим. Бахшиларнинг алоҳида ижролари ёки бахши-шоирлар, оқинлар, жиров ва халфаларнинг аънаваный Республика кўрик-танловлари дискларида акс эттирилиши мақсадаги мувофиқ. Аввало, мазкур танловларда шунинг эътиётган кишилар сони ҳам ва улар ўта қимматли қадриятларимиз, миллий бойлигимизни ўзлари билан олиб юрган тирик “хазина” ҳисобланади. Тадбирларнинг самарадорлигини янада ошириш учун мутахассисларни кенгроқ жалб этиш, танлов аудиториясини бундан да кенгайтириш, сифат даражасини юксалтириш, аҳолининг кенгроқ қисмига етказиш лозим бўлади. Танловда албатта истиқлол даврини акс эттирувчи асарлар билан бирга энг қадимий оҳанглари излаш, танловларнинг мунтазам мониторингини олиб бориш зарур. Чунки, миллатнинг ўзлигини англашда мусиқий мерос ва миллий оҳанглари ўта муҳим восита ҳисобланади.

Баҳром ИРЗАЕВ,
илмий ходим

9 апрель — Амир Тему́р таваллуд топган кун



Халқимиз даҳосининг буюк тимсоли

Амир Тему́р — халқимиз тарихи солномасидаги нажоткор қаҳрамонлардан бири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сохибқирон шахсига қизиқиш халқаро майдонда тобора ортиб бормоқда. Бу беназир зотнинг қандай миллий замин ва тарихий шароитда ўсиб-улғайгани, қай тариқа шундай юксак чўққиларга кўтарилгани, давлат арбоби, енгилмас саркарда ва инсон сифатидаги фазилатлари, ички дунёси ва кечинмалари ҳақида янги-янги асарлар яратилмоқда. Амир Тему́р феноменини англаш, холис ва ҳаққоний ёритишга эса фақат мустақиллик туйғайли кенг йўл очилди.

Бугун мамлакатимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, фарзандларимиз учун ҳеч қимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш, ёшларни жисмонан, ақлан ва маънан юксалтириш борасидаги барча ислохотлар Амир Тему́р бобомизнинг дунёқараши ва тутумларига моҳиятан уйғундир. Зотан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Амир Тему́рни англаш — ўзлгигимизни англаш демокдир. Амир Тему́рни улуглаш — тарих қаърига чуқур илдиэ отган турмуларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демокдир.

Сохибқирон “Тузукур”ида «яна амр этдимки, кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз курси, ё бирон боғ кўкар тирси, ёҳуд бирон хароб бўлиб

Миллатимиз фаҳру ғурури

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жаҳон тарихидаги энг буюк ва адолатли саркарда Амир Тему́р даврида ҳам худди шу каби кенг қамровли бунёдкорлик ишларига алоҳида эътибор қаратилганлигига тарих гувоҳ. Манбалардан яхши маълумки, бобомиз табиатни, инсонни соғломлаштириш, чўлу биёбонларни ободонлаштириш бораида таҳсинга сазовор ишларни амалга оширган. Биргина жаҳоний саркарда барпо этган боғларнинг ўзи ҳали-хануз дилли халфа соҳир гўзаллик улашиб келмоқда. Хусусан, сохибқирон ҳукмронлиги йилларида Самарқанд шаҳрининг атрофида кўплаб гўзал ва бетакрор боғлар барпо этилган. Булар ичида энг машҳурлари “Боғи Нақши Жаҳон”, “Боғи Беҳишт”, “Боғи Шамол”, “Боғи Давлатобод”, “Боғи Майдон”, “Боғи Баланд”, “Боғи Дилқушо”, “Боғи Булду”, “Боғи Чинор”, “Боғи Жахоннамо” ва “Боғи Нав” сингари боғлар бўлиб, улар табиатнинг алоҳида хусусиятларига эга жойларда кўрк очган.

Тарихий манбаларга кўра, Амир Тему́р боғлари геометрик шаклда тартиб берилган чорбоғлар ва табиат ҳушманзаралари асосида барпо этилган.

Уша даврда Испания элчиси



ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нима олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиғи билан берганини олсинлар, учинчи йили (эса олиқ-солиқ) қонун-қоидаcига мувофиқ хирож ййгисинлар», деб ёзади. Бугун мамлакатимизда ҳам қулай ишбилармонлик муҳити яратилиб, тадбиркорларга кенг имтиёэлар берилмоқда. Бунинг самарасида бугун мамлакатимиз йлпи ички маҳсулотининг 83,6 фоиздан ортиғи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келмоқда.

Амир Тему́р даврида фукародан бирининг уй-иморати бўзилиб, тузатишга қурби етмаса, дарҳол керакли ускуналар етказилиб, ёрдам берилган. Мамлакатимизда ҳам 2012

йилнинг ўзида маҳаллий мебель, майишй техника ва бошқа уй-рўзгор буюмларини харид қилиш учун 71 миллиард сўмдан зиёэ истеъмол кредитлари ажратилди. Бу билан қанақадан-қанча рўзгорлар янада бутланиб, халқимиз турмуш маданияти, дунёқараши ва диди юксалмоқда.

Бу борадаги ислохотлар Обод турмуш йилида янада кенгаймоқда. Фаровон ҳаётга интилиш, ўз оиласини хар томонлама мустаҳкамлаш, меҳнат билан турмушини обод этиш, фарзандларининг ёруғ келажагини таъминлаш юртдошларимизнинг олий мақсадига айланмоқда. Зеро, Сохибқирон Амир Тему́рнинг «той минган — от минади» деган

рўёбга чиқаётгани хар бири-мизни қувонтиради. Президентимиз Ислom Каримов ташаббуси билан бутун мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига бугун дунё аҳлининг ҳаваси ортмоқда.

Хар галгидек, Амир Тему́р хиёбонидан ўтар эканмиз, мазкур хиёбоннинг гўзал манзарасидан, унга туташ барпо этилган муҳташам “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройидан ҳайратини яшира олмайган хорижлик икки сайёҳ эътиборимизни тортди. Ёши олтмишларни қоралаган юртимиз меҳмонлари ҳайратидан завқланиб, улар билан суҳбатлашишга чоғланди.

— Мен Жонн Уотсонман, юртингизга куни кеча Лондондан келдик, - дейди суҳбатдошимиз. — Ўзбекистонга бундан ўн йил олдин ҳам ташриф буюргандим. Ушанда ҳам худди шу биёбонга келганим яхши эсимда. Бугун бу жойларни таниш осон кечмади. Хиёбон бутунлай бошқа қиёфа касб этибди, айниқса, мана бу ҳашаматли бино (“Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройини кўрсатиб) мазкур майдон кўркига янада маҳобат бағишлаб турибди. Амир Тему́р номи бугун европаликлар учун ҳам жуда яхши таниш. Саркарданинг дунё ци-

ҳикматида ҳам хар қандай буюк ўзгариш оддий кундалиқ ишлардан бошланишига теран ишора бор.

Тадбирда Ўзбек миллий академик драма театри актёри Толиб Мўминов Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Сохибқирон” драмасидан Амир Тему́р монологини ўқиб берди.

Амир Тему́р ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Боситхонова, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов иштирок этди.

Шу куни Темурийлар тарихи давлат музейида «Темурийлар даврида илм-фан ва маданият» мавзуйида илмий конференция бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳридаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилган “Амир Тему́р ва темурийлар ҳаёти ва фаолияти” мавзуйидаги ишолар танловининг голиб ва совриндорлари тақдирланди. Амир Тему́р ва темурийлар даврига оид экспонат ва китоблардан иборат “Буюк Сохибқирон — буюк бунёдкор” деб номланган кўргазма очилди.

Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

Умид ЁКУБОВ,
УзА мухбири

визациясига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида биздаги сайёҳлик агентликлари юртингизда келишимиздан олдин сўзлаб беришган эди.

Суҳбатимиз якунида хорижлик сайёҳ Амир Тему́р ҳайкали олдида уларни суратга олиб қўйишимизни илтимос қилди. Бахонидил рози бўлдик. Фотоаппарат объективидида икки европалик меҳмонимизга Ҳазрат бобомиз мағрур қараб турар эди. Биз уларни суратга олдик. Сўнгра сайёҳларнинг эртага Самарқандга йўл олишини, у ерда бобомиз бунёд этган боғлар ва ҳозирда тарих жавоҳирларига айланган биноларни ўз кўзи билан кўрмоқчи эканлигини эшитгач, уларга оқ йўл тилаб, қалбимизда яна бир бор фаҳр ҳиссини туйдик.

Дарҳақиқат, мустақил тараққиёт йилларида Президентимиз Ислom Каримов ташаббуси билан Амир Тему́рнинг таваллуд йилбейлари халқаро миқёсда кенг нишонланиб келинмоқда. Хусусан, ЮНЕСКО ҳамкорлигида Амир Тему́р таваллудида бағишланган халқаро конференциялар ва кўргазмалар ўтказилаётгани ҳам фикримиз тасдиғидир. Зеро, сохибқирон Амир Тему́р миллатимизнинг абадий фаҳру ғуруридир.

Ганишер ТОҲИРОВ,
“Туркистон-пресс” мухбири

ЖАРАЁН

Мулоҳаза

Болалар маънавияти

уни турли ёт таъсирлардан асрашга барчамиз масъулмиз

Юртимиз келажаги ёшлар қўлида. Уларнинг жисмонан соғ, маънан баркамол бўлиб вояга етишларида аждодаларимиз қолдирган ўлмас меросни чуқур англаш ва қадрлаш, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғусини шакллантириш ва замонавий илм-фан чўққиларини эгаллаш муҳим омиллардан саналади.

Аммо афсуски орамизда ёшлар онгини ахлоқий бузуқлик, зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм каби турли ёт ғоялар билан заҳарлаётган, турли адабиёт, аудио ва видео воситаларини бойлик ортириш эвазига тарғиб қилаётган, анъана ва қадриятлар, турмуш тарзи, маънавий-ахлоқий қарашларига салбий таъсир ўтказаятганлар ҳам йўқ эмас.

“...Кино, кўшиқ, клиплар ёзилган арзон ва сифатли дисклар бор, кўриб маза қиласиз!” Жарчи-рекламачининг бу чорлови беихтиёр эътиборимизни тортади. Сотувчи столидаги турфа қиёфали “қахрамонлар” сурати туширилган таниш ва нотаниш чехралар, “адоги йўқ” фильмлар номлари туширилган дискларга қизиқдим. Наридан 15-16 яшар сотувчи ўзини Сардор, деб таништирди.

— Мана бу дискда 8 та концерт ёзилган экан. Одатда битта дискда ё концерт-кўшиқ ёки фильм ёзилмайдими?

— “Объект”и катта бўлганидан кейин кетади-да. Ҳалиям бунда саккизта... Биттасига бирданига ўн иккита киноям сиғиши мумкин. Яхши-ку, битта дискда ҳам шунча концерт, ҳам фильм томоша қиласиз!

— Дискларнинг ким томонидан ёзилгани ҳақида ҳеч қандай маълумот ёзилмаган: у қаерда ишлаб чиқарилган?

— Ўйга бориб, қўйиб кўрсангиз маълум бўлади. Концерт ёки

фильм бошланишидан олдин ким томонидан ёзилгани айтилади. Ана шулар ишлаб чиқарган-да.

— Кунига нечта диск сотасиз, — яна сўрайман.

— 30-40 атрофида. Клип ёки кўшиқларга қараганда киноларнинг бозори чаққон.

— Бу маҳсулотларни асосан кимлар сотиб олади?

— Кўпроқ ёшлар. Чунки дисклар унчалик қиммат эмас. Бир кунлик “обед”дан воз кечсангиз бас, 1-2 та дискли бўласиз...

Бу ҳол Чорсу бозорида юз бераётган бўлса, Фарҳод, Авиасозлар ва яна бир қанча бозор атрофларида ҳам контрафакт дискларни сотувчиларнинг савдоси қизгин кечаётганини кўриш мумкин. Дискларнинг аксариятида чет эл кинолари ва кўшиқлари тарғиб қилинади. Уларнинг харидори эса, асосан, ёшлар. Ноконуний видеомаҳсулот савдоси билан шуғулланаётган қонунбузарлар нафақат иқтисодиётимизга, балки жамиятимизга ҳам маънавий зарар етказаятгани аянчлидир. Улар тарқатаётган дискларга жойланган фильмларнинг номлари эътибор беринг-а: — “Улиқлар уйи”, “8-синф қизининг муҳаббат саргузаштлари”, “Бир четдаги севги”... “Ўзбекино” миллий агентлиги томонидан мамлакатимиз ҳудудида намойиш этиш, ижарага бериш, кўпайтириш ва сотиш тақиқланган кино-видео маҳсулотлар рўйхатида уч юздан зиёд

фильм номи кўрсатилган. Бу рўйхатга мамлакатимиз ҳудудида яширин йўллар билан олиб кирилаётган дискларнинг ҳаммаси киритилмаган. Чунки, контрафакт дисклар савдоси билан шуғулланаётган айрим нафси бузуқ “тадбиркорлар” ҳар кун тақиқланган маҳсулотларнинг янгиларини олиб кирмоқда. Шунингдек, интернетдан кўчириб тарқатиш усулидан ҳам кенг фойдаланишмоқда. Улар орасида халқимизнинг одоб-ахлоқ меъёрларига мутлақо зид беҳаё фильмлар аҳоли, айниқса, ёшлар дунёқарашини издан чиқариши, уларнинг онгини заҳарлаши кишини ташвишга солади. Бу ҳақда Республика Маънавият тарғибот маркази бош мутахассиси, Оллоёр Бобоновнинг фикрлари билан қизиқдик.

— **Ноконуний йўллар орқали сотувга чиқарилаётган контрафакт маҳсулотлар: жангари ва беҳаё фильмлар, мусикий клиплар, айниқса, болалар ва катталар аудиториясини ажратмайдиган мультфильм таъсирида ёшлар маънавиятига зарар етишидан ким манфаатдор?**

— Бозорга олиб чиқарилаётган кўплаб маҳсулотлар ноконуний йўллар билан кўпайтирилган бўлиб, бундай видео маҳсулотлар, асосан, ёшлар учун мўлжалланган. Уларда “маҳсулот”нинг сарлавҳасини кўриб қизиқиш уйғонади. Айрим дискларда эса яхши киноларнинг номи ва сурати кўрсатилиб, ичига битта-иккита сифатли кино билан бирга маънавиятимизга ёт фильмлар ёзилган бўлади. Харидорлар мана шундай сифатсиз аудио-видео маҳсулотларга ўрганиб борадилар. Ачинарлиси, бундай иш билан шуғулланаётганларнинг аксарияти

ёшларнинг ўзи. Улар сотаётган маҳсулотни аввал ўзлари кўриб, кейин кўчирадилар. Аммо, бу “ишбилармонликлари” узокқа бормаслигини ўзлари ҳам билади. Лекин ўзлари билан бирга қанчадан-қанча тенгқурларининг руҳиятини заҳарлаб келмоқдалар. Жангари, беҳаё фильм ва клиплар ёшлар онгига босма маҳсулотларга нисбатан ҳам тез, ҳам кўп зарар етказиши. Ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётган бу хилдаги кинолар интернет ва баъзи бир фарзали кимсалар томонидан деярли бепул тарқатилмоқдаки, биз бундан хушёр тортишимиз зарур бўлади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги томонидан олинган маълумотларни келтириб ўтсак: 2012 йил давомида агентлик томонидан республика ҳудудида жами 35 та тадбир (мониторинг) амалга оширилган. Жумладан, Тошкент шаҳрида 99 та, Тошкент вилоятида 38 та, Жиззах вилоятида 20 та, Сирдарё вилоятида 15 та, Қорақалпоғистон Республикасида 24 та, Хоразм вилоятида 18 та, Сурхондарё вилоятида 22 та, Қашқадарё вилоятида 19 та, Фарғона вилоятида 4 та, Наманган вилоятида 9 та, Андижон вилоятида 33 та, Самарқанд вилоятида 41 та, Бухоро вилоятида 8 та, Наманган вилоятида 19 та, жами 369 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. Мазкур қонунбузилиш ҳолатлари бўйича қонуний чоралар кўриш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига, ахборот учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Ички ишлар вазирлигига маълумот юборилган. Давлат солиқ қўмитаси томонидан юқорида кўрсатилган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 2012 йилнинг 9 ойида 88 нафар ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий чора кўрилиб, бир нафарига нисбатан жиноий иш қўзғатилди ҳамда ҳуқуқбузарлардан олиб қўйилган 12,3 млн сўмлик товар-моддий бойликлар йўқ қилинди.

Бундан ташқари Интеллекту-

ал мулк агентлиги томонидан 2012 йил давомида ва 2013 йилнинг 15 мартга қадар интеллектуал мулк ҳуқуқий муҳофазаси афзалликларини тарғиб қилишга қаратилган, контрафакт маҳсулотлар тарқатилишининг иқтисодий оқибатлари тўғрисида 30 дан ортқ тадбирлар (семинар, давра суҳбати, йиғилиш ва б.) ўтказилди. Оммавий ахборот воситаларида 45 та материал чоп этилди, телевидение ва радио орқали бир қанча телекурслар ва эшиттиришлар уюштирилди.

Кўрииб турибдики, тегишли ташкилотлар бу борада керакли чора-тадбирларни олиб бормоқда. Лекин шунга қарамай ноконуний дисклар савдоси авж олмакда.

Авваламбор, бу борада бозорқўлларимиз ҳам масъулиятни ҳис этишлари керак. Ҳар бир бозорда бозорнинг маънавий томонига жавобгар ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, педагоглар, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳам янада хушёр бўлишимиз даркор, - дейди О.Бобонов.

Дарҳақиқат, ҳар бироила, отаона, энг аввало, бола тимсолида шахсни кўриши, унинг келажагини моддий томондан таъминлабгина қолмай, маънавиятига ҳам эътибор бермоғи зарур. Сабаби, айрим хонадонларда бундай аудио-видео маҳсулотларнинг камида 20 хилини учратиш мумкин. Лекин ўқув дарсликларидан бошқа китоблар йўқ ҳисоби. Шу боис, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи бу каби видеомаҳсулотларнинг кириб келиши ва айлана-йишга қарши курашга мавсумий ёки ҳуқуқий муҳофаза қилиш идоралари ходимлари томонидан бажариладиган иш сифатида эмас, кенг жамоатчиликнинг доимий вазифаси деб қарасакгина кутилган самарага эришишимиз мумкин.

Дилфуза РЎЗИЕВА, “Milliy tiklanish” мухбири

Баркамол авлод

Ёшларда Она ватанга садоқат, ҳарбий ватанпарварлик туйғусини камол топтиришда мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Пастдарғом туман кенгаши ўқув-спорт техника клуби томонидан бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, спортнинг техника ва амалий турларини ривожлантириш, турли спорт тўғараклари ишини йўлга қўйиш, спорт мусобақаларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Спорт — соғлом авлод хизматида

Спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш ва оммавийлаштириш, клуб моддий-техника базасини ва ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш, ҳўжалик ҳисобидан топиладиган маблағларни спорт инвентарлари ва жиҳозлар харид қилиш учун йўналтиришга янада кенг имкониятлар яратилаётгани ижобий натижалар берапти. Ўтган йил якунларига қўра, халқ ҳўжалигига оммавий касб ходимлари тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, ташкилотнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш кўрсаткичлари бўйича туман жамоаси фахрли ўринни эгаллади. Айни пайтда ёшлар югуриш, велоспорт, тир, ҳаво милтигидан ўқ отиш каби 4 та спорт секцияларида машғулотлар олиб боришмоқда. Ҳозирга қадар 324 нафар ўсмир ушбу спорт турларига жалб этилган. Улар билан тажрибали спорт йўриқчилари доимий равишда машғулотлар олиб боради. Чунончи, ҳаво милтигидан ўқ отиш бўйича болалар ўртасида ўтказилган Самарқанд вилоят биринчилигида Жўрабек Хайруллаев иккинчи, шу тур бўйича қиз болалар мусобақасида Мафтуна Маматова биринчи ўринни эгаллашди. Ёзги биатлон бўйича ўтказилган мусобақаларда туман жамоаси шарафли 1-ўринни қўлга киритди. Дуатлон бўйича

ўсмирлар мусобақасида Маржона Окқўзиева 3, ёшлар ўртасида эса Юлдуз Қайумова 2-ўринга лойиқ топилди. Бунда уларнинг спорт мураббийси, дуатлон бўйича Осиё чемпиони Жамшид Тиллаевнинг хизматлари катта бўлди.

— Ёшларимизга ҳайдовчилик сир-асрорларини ўргатишни, малакали ва етук ҳайдовчиларни тарбиялашни асосий мақсад қилиб қўйганмиз, - дейди Ўзбекистон Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти туман кенгаши раиси Акрам Эшонқулов.

Ўқувчиларимиз курс давомида мукаммал билим олишлари учун кенг ва ёруғ синф хоналар, ўқув автомобиллари ва бошқа зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Ўз навбатида сабоқ бериш жараёнлари режа асосида олиб борилапти. Унга яқин замонавий Daewoo автомобиллари тингловчиларимиз хизматида. Тингловчиларга йўл ҳаракати қоидалари ва бошқа соҳага оид фанлар ўқитилар экан, бевосита ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган қонунлар, қарорлар билан ҳам мунтазам таништириб борилади. Бундай тушунча ва кўникмалар ҳар бир инсон учун давр билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлишда ижобий кўникма пайдо қилиши шўбҳасиз.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ, “Milliy tiklanish” мухбири

Реклама ўрнида

Ўтиб бораётган йилларга назар ташласак, Ўзбекистонда қўлга киритилаётган муваффақиятлар янада мустақамлашиб, унинг обрў эътибори халқаро ҳамжамият олдида тобора ортиб бораётганига гувоҳ бўламиз. Иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида кузатилаётган барқарор ўсиш суръатлари ана шундан далолат беради. Сўнгги беш йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ўртача 8 фоиздан ошди. Бунга сабаб, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қатор дастур ва қарорлардир. Буларнинг барчаси иқтисодий мустақиллигимизни мустақамлаш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилаяпти.



Муҳтарам Президентимиз мамлакатимиз қўлга киритаётган юксак марраларга одамларнинг, аввало, ёшларнинг дунёқарашини юксалтаётгани, сиёсий ва ижтимоий фаоллиги тобора ортиб бораётганлиги асос бўлаётганлигини доимо таъкидлаб ўтадилар. Дарҳақиқат, бугун юртимизда ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланапти: юрт равнақига муносиб ҳисса қўшадиган, билимли ва фидойи этиб тарбияланмоқда. Биргина ижтимоий фаол аҳолининг 70 фоиздан ортиғи бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан банд.

Асл касби шифокор бўлган Отабек Жиянбоев ҳам билимли ва фаол ёшларимиздан. 1991-1997 йиллар давомида Тошкент Педиатрия Медицина институтига таҳсил олди. Ўқиниш тамомлаб, 6-сонли Сил касалликлар диспансерида шифокор-фтизиатр сифатида фаолият бошлади. Иш ва изланишлар давомида 2000-2001 йилларда Тошкент шаҳар врачлар малакасини ошириш институтига тах-

Мақсадимиз — эл эъзозиди бўлиш

дейди “Magnum Medikal Servis” МЧЖ бош директори Отабек Жиянбоев



сил олди. Шу билан бирга бир неча йил давомида турли шифо масканларида аҳоли саломаатлигини сақлаш борасида меҳнат қилиб келди. У юртимизда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий ривожланиш дастурларини тўғри англаган ҳолда Республикамизда санокли бўлган тиббий жиҳозлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Magnum Medikal Servis” МЧЖ корхонасини ташкил қилди. Бу йўлда тинмай изланишлар олиб бориб, бошқарувнинг иқтисодий самарадор йўналишлари ва замонавий технологияларнинг бошқарувдаги аҳамиятини ҳис қилиб, янги корхона фаолиятини тўғри шакллантиришга эришди.

— Бугун бозорларимизни айланаркансиз, сифати ва кўриниши жиҳатдан хорижикидан қолишмайдиган бежирим буюм ва маҳсулотларга

қўзингиз тушади, - дейди биз билан суҳбатда “Magnum Medikal Servis” МЧЖ бош директори Отабек Жиянбоев. — “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” деган ёрлиқни кўриб қувониб кетасиз. Авваллари четдан келтирилган бундай буюмлар эндиликда ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг сифати ва дизайни хорижикидан асло қолишмайди. Бугун, энг аввало, ички бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини янада кенгайтириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. 2007 йилда тиббий жиҳозлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида “Magnum Medikal Servis” МЧЖни ташкил этдик. 2010 йилдан бери маҳаллийлаштириш дастури асосида иш олиб бормоқдамиз. Бугунги кунга келиб корхонамизда 5 хил йўналишда тиббий жиҳозлар ишлаб чиқарилмоқда

Булар - ўлчов воситалари, ҳавони зарарсизлантириш, жаррохлик, физиотерапия жиҳозлари ва тиббиёт мебелларидан иборат.

Дастлаб, ишлаб чиқаришда асосан чет элдан келтирилган хомашёдан фойдаланар эдик.



Бу табиийки, маҳсулотнинг тизимизда ҳуқуқий давлат ва жамият куришнинг муҳим шартини қўллаб-қувватлашнинг тизимини шакллантириш ва сиёсий партияларнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий база яратилди. Мен ҳам ана шу жараёнда фаол иштирок этиш мақсадида Ўзбекистон “Миллий

тикланиш” демократик партиясига аъзо бўлдим. Партия дастурида ички бозорни сифатли ва зарур маҳсулотлар билан тўлдириш, иқтисодий фаолиятнинг илғор шакллари асосланган замонавий корхоналарни ривожлантириш йўли билан миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини мустақамлашга йўналтирилган индустриал сиёсатни такомиллаштириш асосий вазифаларидан бири сифатида қайд этилган, мен каби маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни бир мақсад ва ғоя атрофида бириктирмоқда. Партиянинг турли тадбирларида фаол иштирок этишга ҳаракат қилияман.

Кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳам мамлакат иқтисодий салоҳиятини оширишнинг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Ана шундан келиб чиқиб, Отабек Жиянбоев раҳбарлик қилаётган “Magnum Medikal Servis” МЧЖ бугунги кунда юртимизнинг янада гуллаб-яшнаши, тараққий этишида баҳоли қудрат ўз улушини қўшишга ҳаракат қилмоқда. Чунки, корхона ходимларининг нияти холис. Яхши ниятли инсонлар эса доимо эл эъзозиди бўлган ва мақсадларига етишган.

Эркин ДОРИПОВ, “Milliy tiklanish” мухбири



ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Бизнинг шарҳ

Чўлли зоналар



Иқлим ўзгариши ёки ердан нотўғри фойдаланиш чўлланиш жараёнини юзага келтиради, шунингдек, табиий ўтлоқлар, лалми дехқончилик ёки суғориш зоналарини қишлоқ хўжалик унумдорлигини 10 фоиз ёки ундан кўпроқ пасайиши билан чўллارга айланади.
Мутахассисларнинг фикрича, чорвачилик қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳамда чўл ва ярим чўл ҳудудларда яшовчи аҳолининг асосий даромад манбаидир. Шу боис, чўл ҳудудларда чорвачиликни ривожлантириш ва яйловларни бошқариш муҳим вазифалардан.

қисми 1980 йилдан бери таназзулга учраб келмоқда. Сўнгги 40 йил давомида жаҳонда ҳайдалма ерларнинг деярли учдан бири номаҳсулдор бўлиб қолган. БМТнинг чўлланишга қарши курашнинг биринчи стратегик мақсади ва ўта муҳим вазифаси қурғоқчил ерлардаги одамларни қўллаб-қувватладан иборат.

Бугунги кунда Марказий Осиёда оғир ва мураккаб ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммолардан бири ҳисобланган Орол денгизи, уни қутқариш бутун инсониятнинг умум вазифасига айланди. Чунки, 30 миллион йил давомида мавж уриб ётган буюк қўл, табиатнинг инсонга инъоми собик иттифок даврида экологик мувозанатни менсимаслик натижасида шу ҳолатга келиб қолди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон, Қозғоғистон, Туркменистон Орол денгизини қутқариш юзасидан бирлашиб, бу муаммони ҳал қилиш йўлларини қидирмоқда. Бу борада ҳукуматимиз томонидан олий даражадаги учрашувларда Орол муаммоси нафақат Оролбўйи давлатлари муаммоси, балки бутун дунё муаммосига айлангани, унинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини ўртага ташламоқда.

Сўнгги йилларда Марказий Осиёда янги чўллар майдони деярли 100 минг км.кв.дартга ортган, баъзи ҳудудларнинг маҳсулдорлиғи эса 50 фоизгача камайган. Чўлланиш маълум даражада чорвачиликда маҳсулдорликнинг камайиши ва касалликлар келиб чиқишининг ўсишига олиб келади. Чўлланишнинг асосий сабаби — сувдан нотўғри фойдаланиш ва маълум даражада иқлимнинг ўзгариши сабабли ҳудудларда сув режимининг издан чиқиши ҳисобланади.

Чўлланишга қарши курашиш, мамлакатнинг барқарор ва хавфсиз ривожланишига эришиб ётган буюк қўл, табиатнинг инсонга инъоми собик иттифок даврида экологик мувозанатни менсимаслик натижасида шу ҳолатга келиб қолди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон, Қозғоғистон, Туркменистон Орол денгизини қутқариш юзасидан бирлашиб, бу муаммони ҳал қилиш йўлларини қидирмоқда. Бу борада ҳукуматимиз томонидан олий даражадаги учрашувларда Орол муаммоси нафақат Оролбўйи давлатлари муаммоси, балки бутун дунё муаммосига айлангани, унинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини ўртага ташламоқда.

борада, шунингдек, ерлар деградациясига қарши кураш муҳим масалалардан эканини англаган ҳолда Ўзбекистон МДҲда биринчилардан бўлиб 1995 йилда БМТнинг чўлланишга қарши кураш конвенциясини ратификация қилганини таъкидлаш жоиз.

Тупроқ унумдорлигининг пасайиши ва унинг шўрланиши дунё микёсидаги глобал муаммолардан. Қум заррачаларининг кўчиши бир қатор салбий ҳолатларни юзага чиқаради. Аҳоли турмуш тарзи ва саломатлигининг ёмонлашуви, қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари етиштиришнинг пасайиши шулар жумласидан. Шу боис, юртимизда қум барханлари кўчишининг олдини олиш, ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ер ресурсларини асраб-авайлаш, ағар тармоқда илғор технологияларни қўллаш, тупроқ емирилиши ва чўлланиш жараёнининг олдини олиш доимий эътиборда.

Ҳозирги кунда чўлланиш жараёни, яъни ҳосилдор ерларнинг, яйловларнинг чўлга айланиши табиий ва сунъий омиллар таъсирида содир бўлмоқда. Табиий омилларга асосан қурғоқчилик киради. Масалан, 1968-1974-йилларда Сахрои

Кабирнинг соҳил минтақасида фалокатли қурғоқчилик оқибатида Чад қўли майдонининг 60 фоизидан ортиғи, Нигер, Сенегал дарёлари қуриб қолди, намлик етишмаслиғи яйловлар маҳсулдорлигининг кескин камайиб, чўл юзлаб километрларга чўзилди. Инсоннинг ердан нотўғри фойдаланиши оқибатида катта-катта майдонларда ҳосилдор ерлар чўлга айланмоқда. Маълумотларга кўра, ҳар йили тахминан 21 миллион гектар ер тўлиқ бузилиб чўлга айланаётган бўлса, суғорилаётган ерларнинг ҳар йили 6 миллион гектар майдони ана шундай ҳолатга келмоқда. Ҳозирги пайтда чўлланишнинг олдини олиш бўйича мунтазам илмий ва амалий ишлар олиб борилмоқда. Кения давлати пойтахти Найробида чўллашишга қарши курашни мувофиқлаштирувчи ташкилот фаолият кўрсатаётгани ҳам сўзимизга мисол бўла олади.

Чўлланиш ва ерлар деградацияси қўллаб мамлакатлар учун катта ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммо эканини жаҳон ҳамжамияти аллақачон тан олган. Олимларнинг аниқлашича, турли омилларнинг, хусусан, иқлим ўзгариши ва инсон фаолияти таъсири натижасида қурғоқчил ва яримқурғоқчил зоналарда чўлланишнинг ўзи ерларнинг деградация жараёнини келтириб чиқаради. Бугунги кунда дунё аҳолисининг тахминан олтидан бир қисми чўлланиш жараёнлари таъсири остида қолмоқда, барча қуриган ерларнинг 70 фоизи ёки сайёрамиз ер майдонининг тўртдан бир қисми чўлланишга мойилдир. Яйлов ҳудудларининг умумий 3,3 млрд. гектар майдонининг (ёки 73 %) чўлланиши натижасида деградацияга учраши, ер унумдорлигининг пасайиши ва қурғоқчил ерлар майдонининг тахминан 47 фоизида унинг таркибининг ёмонлашуви ёрқин мисолдир. Олимларнинг фикрича, чўлланишга қарши курашда асосий эътиборни профилактика чора-тадбирларининг амалга оширилишига қаратиш лозим. Суғориладиган ерларда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш, дренаж тизимларини реабилитация қилиш ва ривожлантириш, тупроқни ҳар томонлама ўрганиш муҳим масалалардан.

Бугунги кунда дунё жуда тез ўзгармоқда. Саноат ва аҳоли сонининг ўсиши, қишлоқ хўжалигининг замонавий усуллари, транспорт ва энергия истеъмоли иқлимни ўзгариши, сув ресурсларининг камайиши ҳамда атроф муҳитнинг бузилиши каби жаҳон микёсидаги глобал муаммоларга сабаб бўлмоқда. Шу жиҳатдан ҳар доим табиатга нисбатан муносабатни ўзгарттириш, она сайёрани ҳар томонлама асраб-авайлаш инсоният бурчидир.

Бехўд ИСКАНДАР



Қасддан уюштирган

“The Times of Indiya” газетасининг ёзишича, ҳиндистонлик автобус ҳайдовчиси ўлим жазосига ҳукм қилинган.

Бунга йўл қодаларидан нотўғри фойдаланганлик оқибатида 9 кишининг ҳаётдан қўз юмгани ва 30 дан ортиқ кишининг тан жароҳат олгани сабаб бўлган. Маҳаллий аҳолининг тахминларига кўра, жиноятчи Сантуш Мане бу ишни қасддан уюштирган. Ҳайдовчининг айбдор эмаслигини исботлашга қилган ҳаракатлари зое кетди ва унга ўлим жазоси тайинланди.



Тинч аҳоли жабр кўрди

“Франс пресс” ахборот агентлигининг хабар беришича, НАТО ҳарбий ҳаво кучларининг ҳужуми оқибатида Афғонистонда тинч аҳоли зарар кўрган.

Афғонистон ва НАТО иттифокдош кучлар томонидан ўтказилган ҳарбий операция натижасида бир нафар америкалик ҳарбий ҳам жабрланган. Айрим манбааларга қараганда, ҳаво ҳужуми оқибатида қарийб 10 киши ҳалок бўлган. Эслатиб ўтамиз, мамлакатнинг бир неча вилоятларида Толибон террористик гуруҳга қарши ҳарбий амалиётлар ўтказилган.



Кредит линия

Хитой ҳукумати таъки алоқаларни янада кенгайтирмоқда.

Хитой Халқ республикаси Беларусияда қўшимча лойиҳаларни амалга ошириш учун 16 миллиард АҚШ долларлик кредит линиясини очган. Ушбу маблағлар энергетика, турар-жойларнинг қурилиши, таълим ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларни бажариш учун сарфланиш кўзда тутилмоқда.



Турли хасталиклар сабаб

Финляндия дўконларида болалар учун мўлжалланган заргарлик буюмлари савдоси таъикланди.

Маълумотларга қараганда, тақинчоқларни тайёрлашда фойдаланиладиган қадимий кимёвий модда турли хасталикларни келтириб чиқармоқда. Экспертларнинг фикрича, болалар тақадиган бундай безаклар ўзидан захарли модда чиқариб, буйрак ва жигарни захарлайди. Тадқиқотлар натижасида организм захарланиши ва суяклар емирилиши ҳолатлари ҳам кузатилган.

Хориж хабарлари асосида Асила ИБРАГИМОВА тайёрлади

Рангин дунё

“Қизил қаср” маъноси англатувчи қадимги қаср ва қалъа мавританиялик ҳукмдорлар томонидан Испаниянинг жануби, Гранада провинциясида бунёд этилган. Жануби-шарқий Гранададаги тоғ платоси тепалигида, денгиз сатҳидан 700 метр баландликда жойлашган ушбу иншоотнинг узунлиги 740, эни 205 метрни ташкил қилади. Умумий майдони 142 минг квадрат метр, ташқи деворининг узунлиги эса 2 километрге тенг.

Узоқ йиллар давомида талофат ва ножоиз реставрацияларга дучор қилинганига қарамай Алгамбра ҳозиргача мавр меъморчилик мактабининг евроҳудуддаги ягона намунаси ҳисобланади. Қолаверса, қаср қурилганидан буён мусулмон ва христиан ҳукмдорларининг қароргоҳи бўлиб келган. Бугунги кунда эса Алгамбра музей сифатида фаолият юритиб келмоқда. Тарихий манбаларда келтирилишича, қаср қуёшда пиштилган лой ва гиштдан қурилгани боис унга шундай ном берилган. Яна бир тахминга кўра, Алгамбра қурилиши кечаю кундуз олиб борилгани учун катта машъала ва гулханлар атрофини ёритиб турган. Ушанда қаср кизгиш тусда кўрингани боис унга Алгамбра

(Қизил қаср) номи берилган экан. Айримлар эса қаср номи унинг асосчиси Муҳаммад Ибн Ал Аҳмар билан боғлиқ, деган фикрда.

Нима бўлганда ҳам тахминларнинг барида “қизил” сўзи учрайди. Демак, Алгамбрани бамисоли анор донасидаги қизил дурга менгзаш мумкин. Қаср ҳақидаги илк маълумотлар IX асрда келтирилган. 889 йили Саввар бин Хамдун ҳозирги Алгамбра ўрнида бўлган Алқасаба қалъасида жангу жадаллар пайтида жон сақлаб келган. Бироқ, у асосан қалъани ихотасига зўр берган. Насридлар сулоласидан чиққан биринчи подшоҳ Муҳаммад ибн Ал Аҳмар тахтга ўтиргач, Алгамбрага асос солинади. XIII асрга келиб, Алгамбра подшоҳ

Алгамбра саройи



қароргоҳига айланади ва ҳар қачонгидан-да гуллаб-яшнайдди. Энг аввало, ушанда қасрнинг эски қисми Алқасаба янада мустаҳкамланади. Унга

қўшимча равишда кузатув миноралари, қўллаб омборхона ва сув иншоотлари қурилади.

Алгамбра Насридлар сулоласининг кейинги вакиллари

Юсуф I (1333-1353) ва Муҳаммад IV (1353-1391) томонидан ҳозирги қурилишга келган. Айнан шу даврга келиб, қалъада Шерлар қасри, Адолат дарво

мўлжалланган. Унинг 18 метрлик гумбазини безашда ҳам ўймакорлик анъаналари қўлланилган. Алгамбранинги жануби-ғарбий қисмидан эса христиан даврига хос қурилмалар жой олган. Бу ерда чалалигича қолиб кетган Карл V қирол саройи бор. Ташқаридан тўртбурчак шаклда кўринувчи бино уч қаватли бўлиши ва гумбаз билан ниҳояланиши керак эди. Бироқ, бионинг бор-йўғи икки қават қурилиб, гумбаз ўрнида устунлардан иборат думалоқ ҳовли барпо этилади. Ҳозирда қирол саройининг биринчи қаватида испан-мусулмон миллий музейи экспонатлари намойиш этилмоқда. Унинг иккинчи қавати эса Гранада нафис санъат музейи учун ажратилган. Ташқаридан оддий кўринган саройнинг ички қисми ниҳоятда ҳашамдор кўринади. Маҳмуанинги ҳовли деворларидан тортиб, иморат шифтларини безашда ўймакорлик санъати хос элементлардан кенг фойдаланилган. Алгамбрадаги энг катта ҳовли 42х22 метрга тенг бўлиб, унинг марказида улкан ҳовузи бор. Бу ердаги баянд миноралардан бири Комареснинг ўлчамлари 12х12 метр, баландлиги эса 23 метрга етади. Минорадаги хоналар элчиларни қабул қилиш учун

Зафар МУҲАММАД

Кўргазма

Чизгиларда ҳаёт талқини

Тасвирий санъатни, самимий табассум, соғлом кулги, аския санъатини умуминсоний қадриятлар сифатида халқимиз азалдан қадрлаб келган. Ҳажвий рассомлик — қарикатура тасвирий санъатнинг жанговар, ҳозиржавоб тармоғидир. Қарикатура инсон, бирор воқеа-ҳодисанинг салбий ёки ижобий томонларини ҳажвий чизгилар орқали кўрсатиб беради.

Ўтган асрда вужудга келган ўзбек карикатурачилиги ҳам ҳаётдаги камчилик ва нуқсонларга қарши курашда турли қарашларни тарғиб қилишда муҳим роль ўйнаган. Ўзбек зиёлилари ўзларининг бу соҳадаги фаолиятида матбуот, босма нашрлардан кенг фойдаланган. Шу боис, ўзбек карикатурачилиги бой ижодий аънава ва таърибга эга. Тошкент фотосуратлар уйида очилган, таниқли карикатурачи рассом Маҳмуд Эшонкуловнинг “Карикатура — қўлдиради, қуйдиради...” деб номланган кўргазмаси бунинг аққол мисолидир. Мазкур экспозицияда 250 дан ортиқ суратлар ўрин олган. Рассом экология, ижтимоий-сиёсий, тиббий ва маиший мавзулар қатори ҳаётий, ҳар кимни ўйлан-тиришга қодир масалаларни ҳазиломуз қиёфалар воситасида талқин этган. Кўргазмага қўйилган ҳар бир асар инсонни мушоҳада юритишга, фикрлашга ундайди.

М.Эшонкулов 1958 йилда Фарғона вилояти Бешарик туманининг Телов қишлоғида туғилган. Ҳозирда Тошкент шаҳрида яшаб, ижод қилади. Ҳозирги Низомий номидаги педагогика университетида тахсил олган. Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси. Республикада ва 40 дан ортиқ хорижий давлатларда ўтказилган карикатура кўргазмалари, танловларда иштирок этган. 2008 йили рассом Ўзбекистон Республикасининг “Дўстлик” ордени билан тақдирланган. Қолаверса, М.Эшонкулов “Дунёнинг 100 нафар буюк карикатурачи-рассомлари” рўйхатига киритилган ягона ўзбек рассомидир.

Бу йилги кўргазмага рассомнинг 2008 йилдан кейин яратган асарлари қўйилган. Бразилия, Италия, Испания, Македония, Қозоғистонда бўлиб ўтган халқаро кўргазмаларда совринли ўринларни олган “Кризис.Чакмок”, “Уруш керак эмас”, “Ёрдам беринг”, “Нисон” каби асарлари ҳам ушбу экспозициядан ўрин олган. Экспозицияга қўйилган асарларда мавзулар қўламининг кенглигини кўрамыз. Карикатурага мавзу топши, уни тасвирга тушириш жиддий жараён. Шу боис, кўргазмага қўйилган асарларни шунчаки қараб чиқиб эмас, балки эътибор билан томоша қиласиз.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Матбуот анжумани

Миллий пазандалик

кўрик-танлов шартлари аниқлаб олинди

Халқимизнинг меҳмондўстлиги ва ўзбекона дастурхонимизни анъанавий маданиятимизнинг узвий қисми бўлган миллий таомларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Юртимизда шаклланган пазандалик санъатини янада шакллантиришда соҳа вакиллари малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шунингдек, миллий пазандалик анъаналарига қизиқиш ортиб бораётган ҳозирги шартларда уларни асраб-авайлаш, ривожлантириш ва оммалаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрда қабул қилинган “Умумий овқатланиш ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва ҳодимларининг касбий даража-

сини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси томонидан Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида 13 апрель кунини ўтказиладиган “Қабоб байрами” чемпионати-ни уюштириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси ҳодимлари, бўлажак чемпионат-

нинг барча ташкилотчилари, ҳайъат аъзолари, ҳомийлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Матбуот анжуманини кириш сўзи билан очган Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси раҳбари Акбар Умаров ўзбек пазандалигининг ўзига хослигини таъкидлади:

— Бугунги кунда ўзбек миллий таомлари ва миллий пазандалик санъати ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб бормоқда. Ўзбек ошхонасининг ўзига хослиги, ранг-баранг ва миллийлиги дунёни лол қолдирмоқда. Миллий пазандалигимиз анъаналарини сақлаган ҳолда уни янада ривожлантириш ва сайқал бериш лозим. Бу борада юртимиз

ва чет мамлакатларда ўтказилаётган ошпазлик кўрик-танловлари муҳим саналади. Таъкидланганидек, “Қабоб байрами” чемпионати янгича усул ва воситалар ёрдамида ўтказилади. Ташкил этиладиган маҳорат сабоқлари бу йилги пазандалик чемпионатининг ўзига хос жиҳати бўлиб, бу борада ўтказилган сўров унинг ниҳоятда муҳимлигини кўрсатди. Чунки мусобақа давомида пойтахтимиздаги кўплаб ресторан ва ошхоналарнинг қўлигул ошпазлари бўлажак ёш ошпаз ва хаваскорларга пазандалик санъати сирлари, ўзларининг бор маҳорат ва таҳрибаларини ўргатишди. Шунингдек, чемпионат доирасида илк бор пазандалик санъати усталари орасидан “Йил ошпази” номи аниқланади. Фаолиятини энди бошлаётган ва амалиёт ўтаётган ошпазлар эса пазандалик санъатининг машҳур намоёндалари суҳбатидан баҳраманд бўлиб, ўз маҳоратини

НИГОҲ

Тараддуд

Сармишсой — асрий мўъжизалар макони

“Асрлар садоси” анъанавий санъат фестивалига санокли кунлар қолди



Кейинги йилларда мамлакатимизда турли халқаро тадбирлар, форум ва лойиҳалар муваффақиятли амалга ошириляпти. Буни 2008 йилдан буйн “Ўзбекистон маданияти ва санъат форуми” жамғармаси томонидан ўтказиб келинаётган “Асрлар садоси” анъанавий санъат фестивали мисолида ҳам яққол, кўришимиз мумкин. Мазкур санъат тадбирига 2009 йилдан бошлаб ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлик қилмоқда.

Бугун “Асрлар садоси” фестивали нафақат юртимизда, балки халқро микёсда ҳам доврўг қозонди. Дунёнинг турли бурчақларидан ташриф буюраётган, халқ ижодиётининг жозибасига маҳлиё бўлган сайёҳлар, тарихчио олимларнинг фестивалга бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Анъанавий маданият фестивалида намоиш этилаётган бетакрор ижод маҳсулларидан таралаётган тафт кўнгилларга ажиб илиқлик олиб кириши баробарида, халқимизнинг бир неча минг йиллик қадрият, урф-одат ва удумлари, фольклор этнографияк дасталарнинг чиқишлари, миллий ўйинлар каби турли дастурлар билан юртимизга янада ўқтамлик ва гўзаллик бахш этишда давом этмоқда.

Санъат анжуманининг бу балги манзили қадимий ўтмишининг ибтидоий излари сақланиб қолган Сармишсой дараси бўлади. Ўтган йилнинг май ойида Қорақалпоғистон Республикасидаги Тупроққалъа ёдгорлигини жаҳонга кўз-кўз қилган фестиваль энди Навоий вилоятининг табиат кўйнидаги қадимий санъат галереяси бўлмиш Сармишсой дараси томон отланиди. 6-7 минг йиллар аввал



қоятошларга туширилган 10 мингдан ортиқ тошдаги турли чизгилар - петроглифлар шу йилнинг 4-5 май кунлари дунёнинг бешта қитъасидан келадиган иштирокчиларда ўзгача ҳайрат ва шижоат уйғотиши шубҳасиз.



Эльмира АҲМЕДОВА, Миллий санъат маркази директори:

— Олтинчи маротаба ташкил-лаштирилаётган “Асрлар садоси” анъанавий санъат фестивалининг Навоий вилоятида бўлиб ўтиши ҳақида илк маротаба 2012 йил 20 декабрь кунидан бўлиб ўтган Фонд Форумнинг Ҳисобот Онлайн анжуманида айтилган эди. Мазкур йилроқийма, ўзбек халқининг анъана ва урф-одатлари, амалий санъати ва миллий ошхонаси, халқ оғзаки ижоди ўзига хос ва хилма-хил эканлигини намоён этиб келмоқда. Мамлакатимизнинг турли маданий ва тарихий марказларида мутахассислар, олимлар, халқро меҳмонлар ва юртдошларимиз иштирокида ўтказилаётганлиги фестивалнинг янада оммавийлаштишига сабаб бўлмоқда.

Аслида ушбу масканни нафақат юртимиз, балки ўрта Осиё худудидаги энг қадимий санъат

галереясига қиёслаш мумкин. Очик осмон остидаги музей сифатида эътироф этиладиган Сармишсой қояларида сақланиб қолган ноёб тош чизгиларни томоша қиларкансиз, мамлакатимиз жаҳон цивилизациясининг маданият бешиқларидан бири эканлигига амин бўласиз. Биз ана шуларни фестиваль қатнашчиларига кўрсатмоқчимиз.

Айни кунларда “Асрлар садоси” анъанавий санъат фестивалига қизгин тайёргарлик ишлари кетмоқда. Беш йил мобайнида лойиҳа доирасида 200 минг нафарга яқин киши иштирок этган. Бу йилги фестивалга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ меҳмонлар келиши кутилмоқда.

Сармишсой. “Асрлар садоси” фестивали орқали бу тарихий маскан ўтмиш ва келажакни

бир жойда туташтирувчи кўприк воситасини ўтайди, десак адашмаймиз. Навоий вилояти ўзининг қадимий тарихига эга. Буюк Ипак йўлида жойлашган Кармана, Нурота, Конимех, Қизилтепа, Маликработ, Сардоба каби масканлари Жануб билан Шимолни, Ғарб билан Шарқни бирлаштириб турган. Бу жойга ташриф буюрганлар тошларда акс эттирилган суратларни томоша қилиб, ўтмишдаги ота-болаларимизнинг ибтидоий излари ҳалигача сақланиб қолинганга гувоҳ бўлади. Аждодларимизнинг юксак ақл-идроки, салоҳияти ва бунёдкорлик қобилиятини намоён этувчи тошлардан ясалган Сангбур, кийик ва мол шохларидан ясалган қурол-аслаҳалар, турли тош чизгилари орадан неча минг йил ўтган бўлса-да, ўз оҳорини йўқотмай келаятгани барчамизни ҳайратлантиради.

Сармишсой дараси қадимий Кармана шаҳридан чамаси 30-35 қақирим узоклиқда, шимолда,

Қоратоғнинг жанубий ён бағрида жойлашган. Унинг энг бебаҳо бойлиги бўлган тош чизгилар жаҳон микёсидagi ана шундай петроглифларнинг ноёб намунаси ҳисобланади. Мазкур суратларнинг асосийси дарадан ўтувчи сойнинг ўрта қисмида жойлашган қоя тошларга ўйиб ишланган. Баъзи тасвирлар қора ва қизил рангли қумтошларда қояларнинг тик сиртига, баъзилари эса ётиқ сиртига туширилган. Улар ўзида ибтидоий жамоа тузумидан зардуштийликкача, олов ихтиро қилинишидан тортиб овчилик санъати ривожлангунча бўлган давр оралиғидаги воқеа-ҳодисаларни қамраб олган. Суратларда турли маросим, овманзаралари, одамларнинг иш жараёни, қурол-аслаҳа, ўшадарда фойдаланилган кийим-кечаклар, аёллар тақинчоқлари акс этган. Қоятошлардаги суратлар галереясида кийик, жайрон, туя, от, шер, арслон, қолпон, ёввойи буқа, буғу, тоғ эчкиси, ит каби ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатлари тасвирларини кўриш мумкин.

Сармишсой ҳар доим илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб бориладиган қадимий манзилгоҳ сифатида доим олим ва археологларнинг нигоҳида бўлиб келган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида милoddан аввалги IV-I минг йилликка ва милodий I-VII асрларга мансуб бўлган 4 мингга яқин расмлар қояларга бронза, темир ва тош ёрдамида схематик, контур, соя ва нақшдор усулларда туширилганиги аниқланган. Қоя тошлардаги тасвирларнинг ўзига хослиги шундаки, уларнинг баъзилари ёмғир ёққанда кўринса, айримлари куёш нури тик тушган пайтда пайдо бўлади. Ҳатто шундай суратлар ҳам борки, уни ёруғлик қия тушганда ёки сойда кўришингиз мумкин. Бундан кўриниб турибдики, аждодларимиз расм чизишда жуда катта маҳорат ва таърибага эга бўлишган.

Сармишсойнинг одамларни ўзига оҳанрабодек тортадиган ана бир жиҳати, бу унинг мафункор табиати, десак адашмаймиз. Қўқлам келиши билан бу дара ажиб гўзаллик касб этади. Ана шу гўзалликдан баҳри дилингиз ййрайди. “Асрлар садоси” анъанавий санъат фестивалига ташриф буюрувчилар бир неча асрлардан буйн қоя тошлар бўлида кўмилиб ётган асл маданиятимизнинг мўъжизалари билан юзма-юз бўлиш имконига эга бўлишди. Сиз ҳам ана шундай имкониятни кўлдан берманг.

Эркин Йўлдош, “Milliy tiklanish” мухбири

ошириши, тайёрлаган таомларини жамоатчилик ҳукмига ҳавола этиши мумкин.

Ошпазлик мусобақасида ресторан ва меҳмонхона ҳўжалиги вакиллари билан бирга касб-хувор коллежлари ўқувчилари ва талабалар иштирок этади. Чемпионат дастурига мувофиқ, ҳар бири уч кишидан иборат 15 жамоа ва касб-хувор коллежи ўқувчилари беллашадилар. Иштирокчилар Ўзбекистоннинг маҳоратли ошпазлари ҳамда Жаҳон Ошпазлар уюшмасининг экспертларидан таркиб топан ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланадилар. Энг яхши рецетплар Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси томонидан тайёрланадиган “Қабоб” китобига киритилади.

Матбуот анжуманида “Қабоб байрами” кўрик-танлови юзасидан фикр-мулоҳаза ва тақлифлар билдирилиб, барча ташкилий ишлар белгилаб олинди.

Муҳтарама КОМИЛОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

ҲИКМАТ

Сўз ҳам мисоли япроққа ўхшайди: дарахтнинг барги кўн бўлса, меваси оз.

* * *

Тажриба бизга қайта-қайта шунини исботлайдики, одамлар ўз тилларига бошқа ҳамма нарсадан кўра ҳам камроқ ҳукмрондирлар.

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Сабзи шарбати

Ўзининг ширин таъми билан бошқа сабзавотли шарбатлардан ажралиб туради. У витаминларга бой бўлиб, инсон организмни А дармондориси билан етарли микдорда таъминлайди. Сабзи шарбатининг бир қанча касалликларни даволашда аҳамияти катта. Булардан бири атеросклероз, бўқоқ, миокард инфаркти, буйракда туз йиғилиши ва дерматит, экзема (темирлатки) каби тери касалликлари ва бошқа хасталикларни даволашда кони фойда.

Шунингдек, бу шарбат иштаҳани очиб, иммунитетни мустаҳкамлайди. Кўриш қобилиятини оширади, жигар, буйрак, бўқоқ ва бошқа ички касалликларда сабзи шарбати фойдалидир. Сабзи шарбати «ёшлик эликсири» деб ҳам номланади. Ҳафтада икки маротаба сабзи шарбати истеъмол қилиш организмни инфекцияларга қарши ҳимоя кучини оширади. Иштаҳани яхшилаб, кўриш қобилиятини маромига келтиради. Терини таранглаштириб, рангнини тиниклаштиради. Таркибида бир қанча микроэлементлар, бетакротин, В гуруҳга мансуб витаминлар, флавоноид, ферментлар, минерал туз, калий, мағний, рух, йод, барий мавжуд. Шу билан бирга, сабзи таркибидagi А дармондориси организмнинг касалликларга қарши ҳимоя кучини оширади.

БИЛАСИЗМИ?

Бирор тирик жонзотни ифодаламайдиган ягона бурж — тарозудир.

* * *

Франция қонунларига кўра, инсон кўринишидан анча йироқ, масалан, ўзга сайёралик кўринишидаги кўғирчоқларни сотиш тақиқланади.

ТУРФА ОЛАМ

Имо-ишора орқали бошқарилади

HARMAN (АҚШ) КОМПАНИЯСИ АВТОМОБИЛНИ ИМО-ИШОРА ЁРДАМИДА БОШҚАРИШ ИМКОНИНИ БЕРУВЧИ ЯНГИ ТИЗИМ УСТИДА ИШЛАЙТИ.

Манбада келтирилишича, машинанинг ускуна қисмига ўрнатилган инфрақизил датчик ҳайдовчининг қилаётган имо-ишорасини тезда илғаб компьютерга узатади. Компьютер эса ўз навбатида буюрилган амални бажаради. Айни пайтда компания мутахассислари дунёнинг энг оммабоп автомобилларида ана шу тизимни синовдан ўтказмоқда. Ишланма муваффақият қозонгудек бўлса, ҳайдовчиларнинг автомобилни бошқариши янада осонлашади. Масалан, кимгадир телефон қилиш керак бўлиб қолса, кўл билан ишора қилиш ва абонент рақамини оғзаки айтишининг ўзи кифоя. Уланиш автоматик тарзда рўй беради. Компаниянинг янги тизими яқин 2-3 йил ичида ҳаётга татбиқ этилиши кутилмоқда.



Эшикни алдаб бўлмайди

ЯПОН МУТАХАССИСЛАРИ АЭРОПОРТЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ЭШИК ПРИНЦИПИ БЎЙИЧА ИШЛАЙДИГАН ПАСПОРТ НАЗОРАТИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ КАШФ ЭТИШДИ.

Маълумотларга қараганда, мазкур эшик-аппарат аэропорт терминалига қирган ва чиққан йўловчиларни суратга олади. Атиги 15 сония ичида аппарат ўзи олган сурат билан йўловчининг паспортдаги суратини солиштиради. Мазкур технологиянинг ютуғи шундаки, у ҳар бир йўловчини юз тизилишига қараб эслаб қолади. Шу боис, энди паспорт назорати чоғида махсус назоратчига эҳтиёж қолмайди. Қолаверса, ушбу янгилик аэропортдаги назорат жараёнини янада тезлаштиради.



Зафар МУҲАММАД тайёрлади

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар Кенгаши ЎЗМТДП Марказий Кенгаши аъзоси, партия Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Рустам Қосимовга ошар НАСИМА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.
Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Андижон вилоят Кенгаши партия вилоят Кенгаши Ижроия кўмитаси девони раҳбари Абдуқуддус Абаевга акаси Абдуллажон АБАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.
«Миллий тикланиш» газетаси тахририяти жамоаси «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг газета-журнал мажмуаси бошлиғи Бехзод Адхамовга отаси ҲИКМАТИЛЛА отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Ахтам ТУРСУНОВ, Ахор АҲМЕДОВ, Фолибшер ЗИЯЕВ, Суван НАЖБИДДИНОВ, Мухаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАММЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмат ХУДОЁРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолиддин САФОВ
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темуру кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Кабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 419, Адади — 11323. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.
Навбатчи муҳаррир: Эркин ДОРИПОВ
Навбатчи: Мухтарама КОМИЛОВА
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Электрон почта: e-mail: milliyti@sarkor.uz
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.20.
ISSN 2010-7714